

**ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ-2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ  
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**МОЛИЯ**  
**йўналиши**

**“ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ ТИЗИМИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й**  
**М А Ж М У А**

**Модулнинг ўқув услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** Қурбонов Х.А.- ТДИУ доценти, и.ф.н.

**Тақризчи:** Маликов Т.С.- ТМИ профессор, и.ф.д.

**Модулнинг ишчи дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>11</b>
<b>III. МАЪРУЗА МАТНИ.....</b>	<b>28</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАНҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР.....</b>	<b>46</b>
<b>V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР .....</b>	<b>89</b>
<b>VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>90</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>97</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>102</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ**

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5781-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477- сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионалигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида

индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Замонавий молия тизими” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларида замонавий молия тизими ва унинг концептуал асосларини, замонавий молия тизимига оид хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларини, замонавий шароитларда замонавий молия тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари **бўйича** кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Замонавий молия тизими” **модулининг вазифалари:**

- замонавий молия тизимининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг замонавий молия тизимига оид илмий қарашлари ҳақидаги илмий билимлар базасини аниқлаштириш;

- замонавий шароитларда фискал сиёсат ва унинг концептуал асослари бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

- замонавий шароитларда жаҳон мамлакатлари давлат молияси тизимидаги мавжуд долзарб муаммолар, бюджет тақчиллиги, давлат қарзларини бошқариш тизимига оид тингловчиларнинг лаёқатларини ривожлантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Замонавий молия тизими” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- молия тизимининг ривожланиш босқичларини;

- глобаллашув жараёни ва миллий молия тизимига таъсирини;

- давлат молиясининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини;

- классик ва замонавий илмий қарашларнинг концептуал асосларини;

- замонавий шароитларда Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тизимидаги ислохотларнинг концептуал асослари;

- бюджет-солиқ тизимидаги ислохотларнинг самарали иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсири, амалдаги ижтимоий ислохотлардаги роли;

- инқирознинг навбатдаги тўлқини шароитида давлат молияси тизимидаги долзарб муаммолар ва ислохотларнинг устувор йўналишларини **билиши керак.**

**Тингловчи:**

- молия тизимида давлат молиясининг ўрни ва аҳамиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолай олиш;
- давлат бюджети даромад ва харажатлари параметрларининг горизонтал ва вертикал таҳлил қилиш натижасида бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик мақсадлари реализацияси тўғрисида хулосалар тизимини шакллантириш;
- иқтисодиётдаги солиқ юки ва давлат бюджет харажатлари мултипликатив самарасини баҳолаш;
- ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидаги долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари бўйича ислохотларнинг устувор йўналишларига оид хулосаларни шакллантириш **кўникмаларини эгаллаши зарур.**

**Тингловчи:**

- давлат молияси ва уни бошқаришнинг функционал элементлари асосида комплекс таҳлилин амалга ошириш;
- замонавий шароитларда фискал сиёсат ва уни самарали иқтисодий ўсишга таъсирини миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиш ва хулосаларни шакллантириш;
- ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимида кузатилаётган долзарб муаммолар, уларга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш;
- мамлакатимиз давлат молияси тизимидаги яқин ва истиқболга мўлжалланган ислохотлар стратегиясини таҳлил қилиш ва ўзига хос равишдаги тараққиёт сенарийсини ишлаб чиқишга оид **малакаларни эгаллаши лозим;**

**Тингловчи:**

- молия тизими, давлат молияси, молиявий сиёсатнинг концептуал асослари бўйича илмий ва амалий маълумотлар банкни шакллантириш ва уларни тизимлаштириш;
- молия тизими, давлат молиясига оид замонавий илмий қарашлар, Ўзбекистонда давлат молияси тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишларига оид янги илмий ва амалий маълумотларни тизимлаштириш;
- давлат молиясига оид замонавий билимларга асосланган ҳолда мутахассислик гуруҳларида маъруза ва амалий машғулот олиб бориш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Замонавий молия тизими” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотида “Ақлий хужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий хужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Замонавий молия тизими” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Корпоратив молия”, “Давлат молияси” ва “Давлат қарзларини бошқариш” ўқув модуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий молия тизими, давлат молияси, молиявий сиёсатнинг концептуал асослари, давлат қарзларини бошқариш бўйича илмий ва амалий маълумотлар банкни шакллантириш ва уларни тизимлаштириш бўйича компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимооти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Аудитория ўқув юкламаси			
		жами	жумладан		
Назарий машғулот	Амалий машғулот		Кўчма машғулот		
1	Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бошларида унинг трансформаллашув тенденциялари.	6	2	4	
2	Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари	12	4	6	2
	<b>Жами:</b>	<b>18</b>	<b>6</b>	<b>10</b>	<b>2</b>



## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ

### **1 - мавзу. Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бўсағасида унинг трансформаллашув тенденциялари .**

Молия тизимининг ривожланиш босқичлари. XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизимининг трансформаллашуви. Глобаллашув жараёни ва миллий молия тизимига таъсири. Замонавий молия тизимининг концептуал асослари ва бўғинлари.

Давлат молиясининг бўғинлари ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари. Турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари молияси ва ундаги мвжуд глобал муаммолар. Давлатнинг кредит тизими ва уни бошқариш муаммолари. Давлат қарзлари ва уни бошқаришнинг глобал муаммолари. Банклар ва банк тизими ривожланишнинг замонавий тенденциялари. Молия бозорлари ва ҳозирги глобаллашув шароитида унинг ривожланиш тенденциялари.

### **2- мавзу. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг шаклланиши. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотларнинг биринчи босқичида молия тизимидаги ислохотлар. Ислохотларнинг кейинги босқичларида молия тизимидаги ислохотлар. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишлари. Миллий суғурта тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Давлат молиясини ислоҳ қилиш ва унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини шаклланиши. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими. Солиқ тизимининг ривожланиши ва унинг ҳуқуқий асослари.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1–амалий машғулот.**

**Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.**

Режа

1. Замонавий молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.
2. Молия тизимини тартибга солиш жараёнининг мақсади ва вазифалари.

3. Инқирознинг навбатдаги тўқини шароитида жаҳон мамлакатларида молия-кредит тизимини тартибга солиш ва ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

#### **2-амалий машғулот.**

**Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари(давоми).**

Режа

1. Молиявий сиёсат ва унинг турлари.
2. Фискал сиёсат ва уни макроиктисодий барқарорликка таъсири.
3. Монетар сиёсат ва уни макроиктисодий барқарорликка таъсири.

#### **3-амалий машғулот.**

**Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.**

Режа

1. Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар.
2. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар стратегияси” асосидаги молия тизимидаги ислохотларнинг концептуал асослари.

#### **4-амалий машғулот.**

**Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.**

Режа

- 1.Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари.
2. Солиқ сиёсати концепцияси ва унинг замонавий шароитлардаги зарурияти.
- 3.Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари.

#### **КЎЧМА МАШҒУЛОТ**

“Замонавий молия тизими” модули бўйича ўқув дастурида “Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” мавзусида 2-соат кўчма машғулот режалаштирилган.

#### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материални ўзлаштиришда қуйидаги:

→ *ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шакллари*дан: бинар-маъруза, провокацион-маъруза, савол-жавобли маъруза, суҳбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ *ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:*

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидуал;
- амалий машғулотларда гуруҳли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

<b>1-мавзу</b>	<b>Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бошларида унинг трансформаллашув тенденциялари</b>
----------------	--

(Маъруза – 2 соат)

### 1.1. Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти - 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Машғулот тури</i>	Ахборот визуал маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари. 2. XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизимининг трансформаллашуви. 5. Молиявий сиёсат ва унинг йўналишлари.
<p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бўсағасида унинг трансформаллашув тенденциялари ҳақида тушунча беришдан иборат.</p>	
<p style="text-align: center;"><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва роли билан таништириш;</li> <li>• ўқув предмети таркибини шарҳлаш ва тавсия этиладиган ўқув-услугий адабиётлар рўйхатини бериш;</li> <li>• молия тизимининг ривожланиш босқичларини илмий асосларини очиб бериш;</li> <li>• XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизимининг трансформаллашувини ёритиб бериш;</li> <li>• замонавий молия тизимининг концептуал асослари ва бўғинларини тавсифлаш;</li> <li>• молиявий сиёсат ва унинг йўналишлари ҳақида маълумотлар беради;</li> <li>• замонавий молия тизими назарий қарашларига асосланган ҳолда фискал ва монетар сиёсатнинг хусусиятларини асослайди.</li> </ul>	<p style="text-align: center;"><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидаги ўрни ва ролини ифодалайди;</li> <li>• ўқув предмети фаннинг тузилмасини ва таркибини шарҳлайди, адабиётлар рўйхати билан танишади;</li> <li>• молия тизимининг ривожланиш босқичларини илмий асосларини очиб беради;</li> <li>• XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизимининг трансформаллашувини ифодалайди;</li> <li>• замонавий молия тизимининг концептуал асослари ва бўғинларини тавсифлайди;</li> <li>• давлат қарзлари ва уни бошқаришнинг глобал муаммоларини санаб беради;</li> <li>• молиявий сиёсатнинг макроиқтисодий сиёсат элементи сифатидаги хусусиятларини асослайди;</li> <li>• фискал ва монетарсиёсат инструментлари орқали мултипликатив самара ва сиқиб чиқариш самарасига оид илмий қарашларни (Кейнсчилик ва монетаризм) тушуниб етади.</li> </ul>
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза матни, ақлий ҳужум, суҳбат, Б/Б/Б техникаси, ФСМУ технологияси

<b>Ўқитиш шакллари</b>	Оммавий, жамоа бўлиб
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<b>Ўқитиш шартлари</b>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

### **Маъруза машғулотининг технологик харитаси**

<b>Ишлар босқичи ва мазмуни</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>таълим берувчи</b>	<b>таълим олувчи</b>
<b>1-босқич. Тайёргарлик босқичи</b>	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмуни тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
<b>2-босқич. Кириш (15 дақиқа.)</b>	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қилади. Фан бўйича умумий тасаввур келтиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Мавзулар рўйхатини келтиради ва уларга қисқача тавсиф беради. Асосий адабиётлар рўйхатини беради ва шарҳлайди.</p> <p>2.3. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.4. Тингловчиларни ақлий хужумга тортиш учун шу мавзу бўйича жонлантирувчи саволлар беради. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар.</p> <p>2.3. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.4. Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)</b>	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади. (2-илова).</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди..</p> <p>3.3. Молия тизимининг ривожланиш босқичлари бўйича тингловчилар билан суҳбат уюштиради.</p> <p>3.4. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>3.5. Тингловчиларга Б/Б/Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади (3-илова).</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.3. Фикрларини баён қиладилар.</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p> <p>3.5. Жадвални тўлдирадилар.</p>
<b>4 босқич. Якун яшаш (10 дақиқа)</b>	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни якунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

## Ақлий ҳужум усули

**Ақлий ҳужум** (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

### Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

### Саволлар:



1. Мустақиллик ва жамият тараққиёти тўғрисидаги қарашларни ўзгартириш заруратига сабаб нимада?
2. Янги ҳаётни эскича қараш ва онг-тафаккур билан қуриб бўлмаслиги.
3. Жамият тараққиётидаги туб ўзгаришлар.


2-илова

## Визуал материаллар


1-слайд











3-илова

### Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма.

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдилинг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдилинг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдилинг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

### Б/Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Молиянинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва унинг илмий асослари			
2.	Молия ҳақидаги фаннинг ривожланиш тараққиёти			
3.	Молия тизими ва у ҳақидаги қарашлар			
4.	Молия тизимининг бўғинлари			
5.	XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизиминининг трансформаллашуви			
6.	Давлат қарзлари ва уни бошқаришнинг глобал муаммолари			

## 1.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

Вақти-4 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Семинар-мунозара
Ўқув машғулотининг режаси	<p><b>Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бўсағасида унинг трансформалашув тенденциялари</b></p> <p style="text-align: center;">Режа</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Замонавий молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.</li> <li>2. Молия тизимини тартибга солиш жараёнининг мақсади ва вазифалари.</li> <li>3. Инқирознинг навбатдаги тўқини шароитида жаҳон мамлакатларида молия-кредит тизимини тартибга солиш ва ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.</li> <li>4. Молиявий сиёсат ва унинг турлари.</li> <li>5. Фискал сиёсат ва уни макроиктисодий барқарорликка таъсири.</li> <li>6. Монетар сиёсат ва уни макроиктисодий барқарорликка таъсири.</li> </ol>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози шароитида молия тизимини ислоҳ қилиш ва янги молиявий архитектуранинг шаклланиши борасида талабалар билиминини кенгайтириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;</li> <li>- билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш;</li> <li>- ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш;</li> <li>- коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Тингловчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- молиявий бозорларни тартибга солиш усуллари ва уни такомиллашувини тушуниб етади;</li> <li>- Европа молиявий-иқтисодий инқирози: келиб чиқиш сабаблари ва ислоҳотларни изоҳлайди;</li> <li>- ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидаги ислоҳотларни баён этади.</li> </ul>
Ўқитиш усуллари ва техникаси	Ҳамкорликда ўқитиш, мунозара, тақдимот, блиц-сўров, “Давра суҳбати”, инсерт
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланмалар, проектор, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қоғоз варақлари.
Ўқитиш шакллари	Индивидуал, фронтал, гуруҳлар / жуфтликларда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

### Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади.</p> <p>1.2. Мавзунини мунозара тарзида ўтишини маълум қилади.</p>	1.1. Дикқат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар

2-босқич. Асосий (45 мин.)	2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга тариф беришни таклиф қилади ва шу асосида блиц-сўров ўтказади. Рақобат унинг моҳияти ва мақсадини ифодалаб беришни топширади. 2.2. Иш гуруҳларда /жуфтликларда ўқув вазифани бажарилгандан сўнг “Давра суҳбати” сифатида давом эттирилишини эълон қилади. “Давра суҳбати” қоидалари билан таништиради (илова 1). Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.	2.1. Иқтисодий тушунчаларга тариф берадилар. 2.2. Эссе ёзадилар ва ўқиб берадилар. 2.3. Тинглайдилар, саволлар берадилар.
3-босқич. Гуруҳларда жуфтликларда ишлаш (20 мин.)	3.1. Талабаларни гуруҳларга/ жуфтликларга ажратади. Давра суҳбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатма ва гуруҳлар/жуфтликларга тақсимлайди (илова 2). Вазифани бажаришда кўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варақларини тарқатади. 3.2. Гуруҳларда иш бошлаганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради.	3.1. Ўқув вазифаси, йўриқнома ва натижалар карточкаси билан танишадилар; 3.2. Вазифани бажарадилар, тақдимот варақларини расмийлаштирадилар.
4-босқич. Яқуний (5 мин.)	4.1. Ишга яқун ясайди, баҳолар қўяди. 4.2. Мустақил иш учун вазифа беради	4.1. Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар.

#### 1- илова.

<b>Гуруҳ билан ишлаш қоидалари</b>
<p>Ҳар бир гуруҳ аъзоси:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;</li> <li>- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;</li> <li>- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;</li> <li>- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;</li> <li>- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;</li> <li>- “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз” қоидасини яхши билишлари лозим.</li> </ul>

#### 2-илова

<b>Гуруҳлар учун вазифалар</b>
<p><b>1. Гуруҳ.</b> 1. Молиявий бозорлар ва уларинг тараққиётини изоҳланг.</p> <p><b>2. Гуруҳ.</b> 1. Европа молиявий-иқтисодий инқирози: келиб чиқиш сабаблари ва ислоҳотларни изоҳланг.</p> <p><b>3. Гуруҳ.</b> 1. Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидаги ислоҳотлар изоҳланг.</p>

#### Баҳолаш кўрсаткичлари (баллда)

Гуруҳ	Мавзунинг ечими	Тушунтириш (аниқлик, мантиқ)	Гуруҳ фаоллиги (кўшимчалар, саволлар)	Жами баллар	Баҳо
	(1,2)	(1,2)	(0,6)	(3,0)	
1.					
2.					

<b>2-мавзу</b>	<b>Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари</b>
----------------	--

### 2.1. Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти - 2 соат	Тингловчилар сони: 15-20 та
<i>Машғулот тури</i>	Визуал, ахборот маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар.</li> <li>2. Ўзбекистон Республикаси молия тизими ва замонавий шароитларда ундаги ислохотларнинг устувор йўналишлари.</li> <li>3. Ўзбекистон Республикаси фискал ва монетар сиёсатининг устувор йўналишлари.</li> </ol>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида тушунча беришдан иборат.	
<b><i>Педагогик вазифалар:</i></b>	<b><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистон Республикаси молия тизимини тавсифлайди;</li> <li>• мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотларни тушунтиради.</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларини ёритиб беради.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистон Республикаси молия тизимини тавсифлайди;</li> <li>• мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотларни тушунтиради.</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларини ёритиб беради.</li> </ul>
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза матни, блиц сўров, инсерт усули, С и н к в е й н ” (5 қ а т о р) т е х н и к а с и
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Оммавий, жамоа бўлиб
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар


## Маъруза машғулотининг технологик харитаси



Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
<b>1-босқич. Тайёргарлик босқичи</b>	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
<b>2-босқич. Кириш (15 дақиқа.)</b>	<p>2.1. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.2. Тингловчилар билан асосий тушунчалар бўйича блиц-сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади. (2-илова).</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>3.3. Мавзу бўйича маъруза, тарқатма материаллар тарқатилади, у асосида Инсерт жадвалини тузишни ва уларга олинган ахборотларни киритишни таклиф қилади (3-илова).</p> <p>3.4. Ўзбекистонда давлат молияси ва ундаги ислохотлар бўйича тингловчилар билан савол-жавоб шаклида суҳбат уюштиради.</p> <p>3.5. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.3. Жадвални тўлдирдилар..</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p> <p>3.5. Тинглайдилар ва ёзадилар.</p>
4 босқич. Яқун яшаш (10 дақиқа)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Мустақил ишлаш ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун саволарни беради: давлат молияси, давлат бюджети, давлат мақсали жамғармаларига “Синквейн” мисоли ёрдамида таъриф беришни топширади (4-илова).</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқни ёзиб оладилар.</p>

## Блиц-сўров ўтказиш учун асосий тушунчалар

1. Давлат молияси.
2. Бюджет тизими.
3. Давлат бюджети даромадлари.
4. Солиқлар.
5. Солиқ юки.
6. Мақсадли жамғармалар.

## Визуал материаллар





### ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА БЮДЖЕТ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

- бюджет дефицитини самарали бошқариш
- Газначилик тизимини босқичма босқич ривожлантириш;
- бюджет қонунчилигини мустаҳкамлаш;
- ўрта мудатли фискал сиёсат амалиётини жорий қилиш;
- натижага йўналтирилган бюджет моделини жорий этиш;
- дотацион режимдаги бюджетларни тугатиш ва маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш;

7-слайд

#### Давлат бюджетининг даромадлари

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2013 йилда жамига нисбатан %да
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	69,4
Мақсадли жамғармалар даромадлари	10499,8	13571,9	32,7
Момия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг меморатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари	210,0	227,5	0,5
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	4747,6	2618,5	6,3
Жами марказлашган жамғармалар	36071,5	41522,8	100

7-слайд

#### Давлат бюджети харajatлари, млрд. сўм

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил	
	Млрд. сўм	%да	Млрд. сўм	%да
Давлат бюджети харajatлари, млрд. сўм	16991	100	21571	100
Иқтисодий соҳа ва аҳолий иқтисодий қўллаб-қуватлаш харajatлари	10112	59,5	12513	58
Иқтисодийётга харajatлар	1952	11,5	2372	11,0
Марказлашган инвестицияларини молиялаштириш	950	5,7	1059	4,9
Таълим ва тиббиёт муассасаларининг реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш Фондига ажратмалар			264	1,2
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харajatлари	472	2,7	629	2,9
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	152	0,9	191	0,9
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	57	0,3	70	0,3
Бошқа харajatлар	3290	19,3	4471	20,7
Давлат бюджетининг режалаштирилган тақчиллиги	-812		957	
ЯНМга нисбатан, %	-1,0%		1%	



## “Инсерт усули”

**Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

### Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

### Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тизими				
Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими				
Давлат бюджети даромадлари				
Давлат бюджети харажатлари				
Бюджет тизимидаги ислохотлар				
Замонавий шароитларда молия тизимидаги ислохотлар				
Бюджет-солиқ сиёсати				

### “Синквейн” (5 қатор) техникаси

Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

1–қатор – тушунча;

2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат;

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл;

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз бирикмаси;

5-қатор – ушбу тушунча синоними.

## 2.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

Вақти-4 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Семинар-мунозара
Ўқув машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар.</li> <li>2. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар стратегияси” асосидаги молия тизимидаги ислохотларнинг концептуал асослари.</li> <li>3. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари.</li> <li>4. Солиқ сиёсати концепцияси ва унинг замонавий шариоитлардаги зарурияти.</li> <li>5. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари..скал ва монетар сиёсатининг устувор йўналишлари.</li> </ol>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шариотида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари бўйича билимларни тизимлаштириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;</li> <li>- билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш;</li> <li>- ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш;</li> <li>- коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Тингловчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар босқичлари ва даврларини тушуниб етади;</li> <li>- давлат молияси тизимидаги ислохотлар бўйича ахборотларга эга бўлинади;</li> <li>- макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган бюджет-солиқ сиёсатининг концептуал асослари бўйича билимлар тизимлаштирилади;</li> <li>- макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган пул-кредит сиёсатининг концептуал асослари бўйича билимлар тизимлаштирилади.</li> </ul>
Ўқитиш усуллари ва техникаси	Мунозара, тақдимот, блиц-сўров, “Давра суҳбати”, экспресс тест
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланмалар, проектор, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қоғоз варақлари.
Ўқитиш шакллари	Индивидуал, гуруҳлар / жуфтликларда ишлаш.
Ўқитиш шариоитлари	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

### Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	<ol style="list-style-type: none"> <li>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади.</li> <li>1.2. Мавзуни мунозара тарзида ўтишини маълум қилади.</li> </ol>	1.1. Диққат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар

2-босқич. Асосий (45 мин.)	2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга тариф беришни таклиф қилади ва шу асосида блиц-сўров ўтказади. Рақобат унинг моҳияти ва мақсадини ифодалаб беришни топширади. 2.2. Иш гуруҳларда /жуфтликларда ўқув вазифани бажарилгандан сўнг “Давра суҳбати” сифатида давом эттирилишини эълон қилади. “Давра суҳбати” қоидалари билан таништиради (илова 1). Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.	2.1. Иқтисодий тушунчаларга тариф берадилар. 2.2. Эссе ёзадилар ва ўқиб берадилар. 2.3. Тинглайдилар, саволлар берадилар.
3-босқич. Гуруҳларда жуфтликларда ишлаш (20 мин.)	3.1. Талабаларни гуруҳларга/ жуфтликларга ажратади. Давра суҳбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатма ва гуруҳлар/жуфтликларга тақсимлайди (илова 2). Вазифани бажаришда кўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варақларини тарқатади. 3.2. Гуруҳларда иш бошлаганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради.	3.1. Ўқув вазифаси, йўриқнома ва натижалар карточкаси билан танишадилар; 3.2. Вазифани бажарадилар, тақдимот варақларини расмийлаштирадилар.
4-босқич. Яқуний (5 мин.)	4.1. Ишга яқун ясайди, баҳолар қўяди. 4.2. Мустақил иш учун вазифа беради	4.1. Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар.

#### 1- илова.

##### Гуруҳ билан ишлаш қоидалари

Ҳар бир гуруҳ аъзоси:

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз” қоидасини яхши билишлари лозим.

#### 2-илова

##### Гуруҳлар учун вазифалар

###### 1. Гуруҳ.

1. Молиявий бозорлар ва уларнинг тараққиётини изоҳланг.

###### 2. Гуруҳ.

1. Европа молиявий-иқтисодий инқирози: келиб чиқиш сабаблари ва ислоҳотларни изоҳланг.

###### 3. Гуруҳ.

1. Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидаги ислоҳотлар изоҳланг.

### Баҳолаш кўрсаткичлари (баллда)

Гуруҳ	Мавзунинг ечими	Тушунтириш (аниқлик, мантиқ)	Гуруҳ фаоллиги (қўшимчалар, саволлар)	Жами баллар	Баҳо
	(1,2)	(1,2)	(0,6)	(3,0)	
1.					
2.					
3.					
4.					

### 3-илова

#### “Инсерт усули”

**Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

#### Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

#### Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Инқироз				
Молиявий муассасалар				
Давлат қарзи				
Бюджет тақчилиги				
Инфляция				
Рецессия				
Солиқ тизимини ислоҳ қилиш				

### Ш. МАЪРУЗА МАТНИ

**1 - МАВЗУ. Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бўсағасида унинг трансформаллашув тенденциялари.**

#### Режа

**1. Замонавий молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.**

**2. Молия тизимини тартибга солиш жараёнининг мақсади ва вазифалари.**

**3. Инқирознинг навбатдаги тўқини шароитида жаҳон мамлакатларида молия-кредит тизимини тартибга солиш ва ислох қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.**

**4. Молиявий сиёсат ва унинг турлари**

**1. Замонавий молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.**

Молия тизими сифатида «молиявий муносабатларнинг ташкил қилиш шакли» ёки «молиявий муносабатларнинг ташкилий тузилмалари мажмуаси» сифатида кўриб ўтиш мумкин. Масалан, Таниқли америкалик мутахассис Ж.Ван Хорн молия тизимига - давлат, фирмалар ва фуқароларга турли хил хизматлар кўрсатувчи молиявий муассасалар ва бозорларнинг мажмуаси<sup>1</sup> – деган таърифни беради. Л.Дробозинанинг фикрича «Молия тизими - пул маблағлари фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш жараёнидаги молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини мажмуасидан иборат<sup>2</sup>»-деган таърифни беради.

Профессорлар А.В.Ваҳобов, Т.С. Маликовнинг фикрича “ ...турли пул фондларидан шакланнадиган ва фойдаланиладиган молиявий муносабатларнинг турли соҳалари мажмуига молия тизими дейилади”<sup>3</sup> . Э.Ф.Гадоев ва Х.А.Қурбоновларнинг фикрича “Молия тизими - молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини ўз ичига олиб, турли соҳалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш шакллари ва усуллари мажмуаси билан тавсифланади”<sup>4</sup>.

Юқоридаги молия тизими бўйича келтирилган таърифларда мантиикий яхлитлик бўлиб, ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимланиш жараёнида ҳосил бўладиган пул маблағлари фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёни молия тизимининг марказий мазмунини ташкил қилиш таъкидланади.

Молия тизимининг асосий функциялари қуйидагилардан иборатдир:

- режалаштириш функцияси;
- ташкиллаштириш функцияси;
- рағбатлантириш функцияси;

<sup>1</sup> Ван Хорн Дж. Основы управления финансами М.: Финансы и статистика, 1996. 34 с

<sup>2</sup> Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение и кредит. М.: Финансы и статистика, 2000.

<sup>3</sup> Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент, 2007. – 63 б.

<sup>4</sup> Gadoev E.F., Qurbonov X.A., Bauetdinov M.J. Moliya (O'quv qo'llanma) T.: Adabiyot nashriyoti. 2006 yil , 24 b.

– назорат.

Ташкиллаштириш молия тизимининг асосий функцияси сифатида давлат молиявий ресурсларини шаклланиши ва тақсимланиш кўламини аниқлаш, ваколатли кредит ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаларни ўз ичига олади. Амалга ошириладиган молиявий сиёсат ва унинг стратегик йўналишлари ва унинг тактик вазифалари ташкиллаштиришнинг моддий асосини ташкил этади.



**1-расм. Молия тизими ҳақидаги илмий қарашларнинг туркумланиши<sup>5</sup>.**

Рағбатлантириш функцияси пул маблағларга эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда молиявий фаолиятга таъсир этувчи омиллар назарда тутилади.

Молия тизимининг режалаштириш функцияси мақсадларни шакллантириш ва уни амалга оширишнинг молиявий имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ тадбирларни кўзда тутади.

Молия тизимининг назорат функциясида ўрнатилган мақсадларга эришишни солиштириш учун олинган натижаларни баҳолаш ва меъёрлар ишлаб чиқиш жаранларини ўз ичига олади.

Иқтисодий субъектларнинг даромадларини шаклланиш усулларига боғлиқ равишда молия тизимини марказлаштирилган молия(давлат молияси) ва марказлаштирилмаган молия(хўжалик субъектлари ва уй хўжаликлари молияси) каби 2 асосий турга ажратиш қабул қилинган.


Молия тизими пул муносабатлари тизимини ташкил қилиш шакли сифатида молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишни таъминловчи 3 асосий ўзаро боғлиқ тизимларга бўлинади: Давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг молияси, хўжалик субъектлари молияси, уй хўжаликлари молияси(аҳоли молияси).

Яҳдлит молия тизимини ташкил қилувчи мазкур тизимлар ҳам иқтисодий субъектларнинг аниқ пул маблағлари фондини ташкил қилинишига қараб ўз навбатида алоҳида бўғинларга ажратилади.

<sup>5</sup> Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар (ўқув кўланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент, 2007. – 45 б.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики молия тизимининг бўғинлари мамлакат миқёсида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқдир.

Марказлаштирилган молиянинг таркибида давлат молияси муҳим аҳамият касб этади. Давлат молияси хўжалик субъектлари молияси билан бевосита боғлиқдир. Чунки бюджет даромадларини асосий манбаларидан бири ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида яратиладиган миллий даромад ҳисобланади.



**2-расм. Молия тизимининг бўғинлари.<sup>6</sup>**

Бюджет давлат молиясини асосий бўғини ҳисобланади. Чунки бюджет орқали ЯИМнинг тахминан 20-25%и қайта тақсимланади. Давлат бюджет орқали йирик миқдордаги пул ресурсларига ега бўлади. Бундай пул ресурслари орқали давлат ўзининг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа вазифаларини амалга оширади. Чунончи, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда бюджет асосий рол ўйнайди. Ҳозирги шароитда умумий бюджет харажатларининг тахминан 60 % атрофида ижтимоий-маданий тадбирларга йўналтирилмоқда.


Молия тизимининг асосини марказлаштирилмаган молия ташкил қилади. Чунки, айнан бу соҳада ялпи ички маҳсулот яратилади. Бирламчи даромадлар ва жамғармаларнинг манбаи ялпи ички маҳсулот ҳисобланади.

<sup>6</sup> Gadoev E.F., Qurbonov X.A., Bauetdinov M.J.. Moliya (O'quv qo'llanma) T.: Adabiyot nashriyoti. 2009 yil , 24 b.

Бирламчи даромадлар(миллий даромад) солиқ тизими, турли тўловлар тизими ва фойдани тақсимланиш тизими орқали қайта тақсимлаш жараёнининг манбаи ҳисобланади.

Марказлаштирилмаган молиянинг таркибидаги молиявий воситачи муассасалар молияси муҳим ааҳамият касб этади. Ушбу бўғиннинг маркази й институтлари мамлакатнинг кредит тизимини ташкил этади. Хусусан, ривожланган мамлакатлар бутун молия тизимида марказий ўринни молиявий воситачи муассасалар эгаллайди. Юқори даражадаги такомиллашган молиявий инфраструктура тизимини мавжудлиги ва молиявий воситачиликни ривожланганлиги натижасида уларда инвестицион мақсадлардаги йирик молиявий ресурслар концентрацияси содир бўлган.

XX асрнинг охириги 10 йилидаги молиявий инновацияларнинг шиддат билан ривожланишига қарамасдан ранг-баранг молиявий воситачилик турлари молиявий ресурсларни охириги истеъмолчилар учун самарали жойлашувини таъминловчи «молиявий маҳсулот»ни жалб қилиш ва сотиш каби умумий функцияларни бажаради.



**3-расм. Молия тизимининг институционал таркиби<sup>7</sup>.**

Молиявий воситачилар таркибида тижорат банклари, кредит иттифоқлари, суғурта компаниялари, хусусий пенсия фондлари, молиявий компаниялар ва бошқалар ҳисобланади. Улар иқтисодиётнинг молиявий секторини асосини ташкил қилади. Буни Э.Ф.Гадов ва Х.А.Қурбоновлар куйидаги тарзда ифодалядилар.

Иқтисодиётнинг молиявий секторини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Биринчи ҳолатда молиявий сектор билан биргаликда назорат қилувчи органлар ва молиявий иттифоқларни тушунишимиз мумкин.

<sup>7</sup> Gadoev E.F., Qurbonov X.A., Bauetdinov M.J.. Moliya (O`quv qo`llanma) T.: Adabiyot nashriyoti. 2009 yil , 24 b.



Назорат қилувчи органларнинг асосий вазифалари молия тизимини барқарор фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳукумат томонидан чиқарилган қонун ва қарорлар ҳамда меъёрий ҳужжатларни амалда қўллаш ва бевосита молиявий институтлар фаолияти устидан назратни амалга ошириш ҳисобланади.

Молиявий иттифоқларнинг асосий вазифалари давлат ва жамият олдида молиявий институтлар гуруҳларининг манфаатларини тақдим етиш ва ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Молиявий секторнинг молиявий институтларига банк тизими ва нобанк молиявий воситачи муассасаларни киритишимиз мумкин. Ўз навбатида банк тизими таркибида марказий банклар алоҳида ўринга егадир. Марказий банклар давлатнинг пул кредит сиёсатини амалга оширишда масъул муассаса ҳисобланади. Шунингдек, тижорат банклари устидан назорат ва уларни кредитлашни амалга оширади, эмиссия(пуллар, банкноталар ва бошқа кредит пулларини муомалага чиқариш), давлатни кредитлаш ва ҳукумат учун ҳисоб-китоб операцияларни амалга ошириш, олтин-валюта захираларини сақлаш ва бошқа функцияларни бажаради.

Тижорат банклари универсал молиявий муассасалар ҳисобланиб, кредит, инвестицион, молиявий воситачилик, ҳисоб китоб операцияларни амалга оширади. Замонавий тижорат банклари асосан акционерлик шаклида ташкил қилинади. Тижорат банклари: актив операциялар, пассив операциялар, воситачилик ва ишонч операциялари ва бошқа қатор операцияларни бажаради.



**4-расм. Молия тизимининг институционал таркиби<sup>8</sup>.**

Нобанк кредит ташкилотлари қонун буйича белгиланган алоҳида банк операциялари амалга ошириш ҳуқуқига егадирлар. Аммо улар тўлақонли банк операцияларни амалга ошира олмайдилар. Шунинг учун ҳам аксарият

<sup>8</sup>Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент, 2007. – 51 б.

адабиётларда нобанк молиявий муассасаларга нисбатан «квазибанклар» деган тушунча келтирилади.


Молиявий воситачи муассасалар таркибида суғурта муассасаларининг аҳамияти юксакдир. Умуман, суғурта муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида аксарият иқтисодчи олимлар суғуртани молия тизининг алоҳида бўғини сифатида қарайдилар.

Умуман юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш жоизки, “Молия тизими” ва “Молия-кредит тизими” тушунчалари ўртасида аниқ жиддий чегараланишлар мавжуд бўлмасдан, улар доимо бир бирини тўлдириб борадилар.

Масалан, Аксарият хорижий иқтисодчилар жамиятнинг молия тизими деганда асосий урғуни банк тизими ва молиявий бозорларга қаратишади. Бунга асосий сабаб ривожланган мамлакатлар молия тизимининг тараққий этиш хусусиятлари, юқорида кўриб ўтган бўғинларнинг маълум бир турининг ривожланиши хусусиятлари асосий таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қиладилар.

Назарий жиҳатдан молия тизими деганда пул маблағларининг ҳаракати в ушбу ҳаркатда иштирок этувчи субъектлар назарда тутилади. Буни қуйидаги расм маълумотларидан кўришиш мумкин.

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, молия тизимининг асосий функционал вазифаси молиявий ресурсларга эҳтиёж сезувчи секторларга ортиқча молиявий ресурслар мавжуд бўлган секторлардан молиявий ресурсларни ҳаракатга келтириш, қайта тақсимлаш ҳисобланади.



### 5-расм. Турли мамлакатлар молия тизимининг хусусиятларининг ташкилий чизмаси<sup>9</sup>.

Ушбу бўш маблағларни жамлаш ва уни эҳтиёж сезувчи секторларга ҳаракатланишида молия тизимининг ҳар қайси бўғинининг фаол иштирок этиши ушбу бўғиннинг молия тизимидаги етакчилик ролини таъминлайди.

<sup>9</sup> Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент, 2007. – 57 б.

АҚШ молия тизимининг ўзига хос хусусиятлари унда молиявий бозорларнинг етакчилик мавқеи ҳисобланиши ва фонд бозорларининг капиталлашув жараёнининг юқори кўлами билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам АҚШ молия тизими молиявий бозорларга асосланган тизими сифатида тавсифланади.

Молиявий ресурслар концентрацияси банк тизимида юқори бўлган мамлакатлар молия тизими банкларга асосланган молия тизими ҳисобланади. Бундай молия тизим амал қилувчи мамлакатларга мисол тариқасида Швейцария, Германия молия тизимларини мисол келтириш мумкин.

Давлатнинг жамият ҳаётидаги ролининг юқорилиги, иқтисодиётдаги дават секторининг салмоқли ҳиссасининг мавжудлиги шароитида айрим мамлакатлар молия тизимида давлат молиясининг етакчи мавқеи амал қилади.

Ҳозирги кунда ҳукм сураётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳар бир мамлакат молия тизимида инқирознинг таъсир даражаси ҳам ушбу мамлакатлар молия тизимининг шаклланиши, унинг ҳар бир бўғинлари капиталлашув даражасининг миқдорига бевосита боғлиқ бўлмоқда. Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган ислохотларда молия тизимининг аҳамиятини янада ошириш биринчи навбатда ҳар бир мамлакат кесимида молия тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг тўғри танланаётганлигига боғлиқдир. Бу борада республикамиз миллий иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотларга тўхталиб ўтаемиз.

## **2. Молия тизимини тартибга солиш жараёнининг мақсади ва вазифалари.**

Юқорида таъкидалаганимиздек, молия кредит тизимининг барқарор фаолияти миллий иқтисодиёт барқарор тараққиётининг бош омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун тўлиқ бандлик ва ялпи ички маҳсулотни ноинфляцион ишлаб чиқаришга йўналтирилган муомаладаги пул массасини бошариш бўйича чорат тадбирларни ўзида ифодаловчи пул-рқдети сиёсати ва шунингдек, тўлиқ бандлик ва ялпи ички маҳсулотни ноинфляцион ишлаб чиқаришга йўналтирилган давлат харажатлари ва солиқларни бошқариш бўйича чорат тадбирларни ўзида ифодаловчи бюджет солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг йўналишлари сифатида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни яратишга қаратилган изчил иқтисодий ислохотларни амалга оширмоқда. Ислохотлар стратегияси давлат иқтисодий сиёсатининг кенг қамровли дастакларини ўз ичига олади. Мана шундай дастаклардан энг муҳимларидан бири-давлатнинг изчил молиявий сиёсати ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат молиявий сиёсатини олиб бориш ва иқтисодни молиявий тартибга солиш муаммоларига алоҳида эътибор берилади.

Молиявий сиёсат давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, уни фалсафий категорияга таққослайдиган бўлсак, устқурмага тааллуқлидир.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам давлат бирон-бир мақсадга эришиш, олдига қўйган вазифа ва мажбуриятларини бажариш учун молиядан кенг фойдаланади.

Молия кредит тизимини тартибга солишнинг биринчи вазифаси тўлов тизимининг барқарорлигини таъминлаш, инфляцияни жиловлаш ва пировард натижада барқарор тўлов балансини шакллантириш ҳисобланади.

Кредит молия-тизимининг барқарорлигининг таъминлаш, унинг алоҳида бўғинларининг биринчи навбатда тижорат банклари фаолиятини барқарорлигини таъминлаш мамлакат марказий банкнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Марказий банкнинг яна бир асосий вазифаларидан кредит органларини (тизимини) фаолиятини тартибга солиш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Монетар сиёсатнинг асосий масалалари пул-кредит сиёсати билан боғлиқ бўлиб, умумиктисодий инфратузилмаларни тартибга солишнинг, бозор конъюктурасини юқори даражада ушлаб туриш, бандликка таъсир ўтказиш, инқирозли тушумларни олдини олишнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, монетар сиёсатнинг назарий масалалари- муомаладаги пул маблағлари миқдорини, банк кредитлари ҳажмини, фоиз ставкаларини, валюта курсларини, тўлов балансини ва ўз навбатида бевосита мамлакат иқтисодиёти ҳолатини ўзгартириш учун йўналтирилган тадбирлар мажмуасидир. Иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш тўғрисидаги етакчи назарияларнинг моҳиятини тушунмасдан туриб, илмий асосланган пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш, унинг стратегияси ва тактикасини аниқ белгилаб олиш мумкин эмас. Бу ҳолат, айниқса, ўз мустақиллигини нисбатан яқинда қўлга киритган ва мустақил иқтисодий сиёсат, шу жумладан, пул-кредит сиёсатини амалга ошираётган давлатлар учун жуда муҳимдир.

Давлат сиёсатининг энг асосий мақсади, кейнсчиларнинг қарашларига кўра, меҳнат ресурсларининг юксак даражада бандлигини ва ишлаб чиқаришнинг максимал даражада ўсиш суръатини таъминлаш бўлса, монетарчилар учун асосий вазифа баҳоларнинг ва миллий пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Шу сабабли, монетарчиларнинг моделларида ишчи кучи бозоридаги ҳолат ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми таркибий омиллар таъсирида шаклланади ва шу сабабли, иқтисодий сиёсат чора-тадбирлари ёрдамида ўзгариши мумкин эмас. Ана шунга асосланган ҳолда, улар, конъюктуранинг даврий тебранишларига ҳар қандай воситалар билан барҳам беришга ҳаракат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит орқали тартибга солишнинг объекти пул бозоридаги талаб ва таклиф ҳамда унинг натижасида вужудга келадиган фоиз меъёри ҳисобланади. Пул-кредит орқали тартибга солиш субъекти эса мамлакат Марказий банки ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит орқали тартибга солишнинг объекти пул бозоридаги талаб ва таклиф ҳамда унинг натижасида вужудга келадиган фоиз меъёри ҳисобланади. Пул-кредит орқали тартибга солиш

субъекти эса мамлакат Марказий банк ҳисобланади. Булар қуйидаги тарзда амалга оширилади:

- биринчидан, монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

- иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

- учинчидан, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланklarини назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланklarини ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

- биринчидан, монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

- иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

- учинчидан, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланklarини назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланklarини ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

- монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари самарали бўлишини таъминлаш учун, авваламбор, албатта ўтган йиллардаги мамлакатдаги иқтисодий конъюнктура ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмоғи зарур. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулотнинг таркиби, ўсиш ёки камайиш динамикаси, уларнинг сабаблари ўрганилади. Ялпи ички маҳсулотнинг қишлоқ хўжалигидаги, саноат, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, инвестиция ва қурилиш соҳаларидаги ўзгаришлари ва уларнинг сабаблари таҳлил қилинади. Шу билан бирга, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан ҳисобланган инфляция ва нархларнинг ўсиш даражалари, тенденцияси ва сабаблари тўлиқ ўрганилади.

Бюджет-солиқ тизимини тартибга солиш соҳасидаги асосий мақсад мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларини тамилаш, яхлит ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатини изчи амалга оширишга ёўналтирилган адекват тизимни шакллантириш ҳисобланиб, бу борадаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

1. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини солиқлар орқали рағбатлантириш мақсадида солиқ юкени изчил камайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш. Албатта бу соҳада қатор ислохотлар амалга оширилаётган бўлиб, солиқ юкени қичартириш сиёсати ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди.

2. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, фаол инвестиция сиёсатида давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар молиявий ресурсларининг мобилизация қилиш ва давлат инвестицияларини самарали соҳаларга инвестициялаш. Ҳозирги халқаро бозорлардаги инвестиция ресурсларининг тақчиллиги шароитида фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам умумий инвестициялар

таркибида асосий салмоқни ташкил этмаса-да, бюджет ресурслари ҳисобига инвестициялаш давлат томонидан иқтисодий қўллаб қувватлаш сиёсатини ўзида ифодалайди.

3. Ҳозирги шароитдаги асосий вазифалардан бири давлатнинг ижтимоий сиёсатини самарали реализация қилиш. Кучли ижтимоий ҳимоя тизимининг молиявий асосларини шакллантириш ҳисобланади. Ижтимоий соҳаларни қўллаб қувватлаш орқали бир қатор оралиқ вазифаларнинг ҳам ижроси таъминланади:

биринчидан, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш даромадлар тенгсизлигини олди олинадиган ва даромадларни соҳалар бўйича қайта тақсиманиши амалга оширилади;

иккинчидан, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш сиёсати орқали ялпи талаб таркибидаги истеъмол талабнинг барқарорлашуви таъминланади. Истеъмол талаби ҳозир ҳукм сураётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида барча мамлакатлардаги долзарб масалалардан бири ҳисоланади. Масалан, АҚШдаги инқирознинг бошланиши АҚШ иқтисодий ҳаётидаги истеъмол талабининг пасайиши натижасида макроиқтисодий мувозанатнинг бузилишидан бошланган. Шунингдек, ҳозирги кунда аксарият ривожланган мамлакатларда олиб борилаётган фискал сиёсат асосан истеъмол талабини оширишга қаратилган.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, жорий йилда бюджет тизимида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ўзида бюджет тизимидаги ислохотларнинг истиқболга мўлжалланган стратегик йўналишларини ўз ичига олади.

Хусусан, 2016 йилги Давлат бюджетида иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсияларни инфляция суръатларидан юқори миқдорларда ошириб бориш йўли билан аҳоли даромадлари ҳамда турмуш даражаси оғишмай ўсиб боришини таъминлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини кучайтириш, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислоҳ қилиб, маҳаллий ҳокимият органлари мустақиллигини ҳамда даромадлар базасини кенгайтиришдан ва ресурслардан самарали фойдаланишдан манфаатдорлигини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Маъмурий ислохот ва давлат хизмати ислохотини самарали амалга ошириш ислохотлар жараёни билан бир вақтда давлат органлари фаолиятининг иқтисодий механизмининг такомиллаштиришнинг тақозо этади. Бундай такомиллаштиришнинг бош мақсадлари, биринчидан, самарадорлик ёки унумдорликни ошириш, яъни давлат органларининг функцияларини бажаришга харажатларни қисқартириш, давлат хизматларининг сифатини сақлаб қолган ёки янада яхшилаган ҳолда уларни арзонлаштириш, иккинчидан, давлат хизматида фаолиятни доимий яхшилашнинг ички рағбатларини яратиш, шу жумладан, ташкилий жиҳатдан ривожланиш ҳамда иш технологияларини оптималлаштиришдир. Маъмурий ислохот доирасида қўлланилган янги иқтисодий механизм унга лозим даражада фаол тус бериш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга йўналтириш, унинг ўзини-ўзи ривожлантиришини таъминлашга қодир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Давлат молиясини бошқариш ислохотининг 2007-2018 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган давлат дастури тайёрланмоқда, маъмурий ислохот йўналишлари аниқланмоқда.

Мазкур ислохот, агар у давлат органлари фаолиятини бошқариш, режалаштириш, бюджетлаштириш ва мазкур фаолиятга баҳо бериш ислохотлари, яъни давлат бошқаруви иқтисодий механизмини ислох қилиш билан бирга амалга оширилса, янада самаралироқ бўлади.

Ушбу йўналишдаги ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда қабул қилинган Қарори<sup>10</sup> хазмат қилади.

Ушбу йўналишдаги ислохотларда қуйидагилар белгилаб олинган:

- давлат молиясини бошқариш самарадорлигини янада ошириш;
- давлат бюджети ижросини ғазначилик тизимини жорий этиш ва натижада давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг замонавий механизмини шакллантириш;

- давлат бюджетини бошқаришнинг асосий функционал элементи ҳисобланган бюджет жараёнини ва бюджетни режалаштириш тизимини такомиллаштириш.

Бюджет жараёни ва бюджетни режалаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича ислохотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўрта муддатли бюджет стратегиясига ўтишга тайёргарликни;
- бюджетни тузиш жараёнига бирламчи миқдорий чеклашларни ишлаб чиқиш босқичини киритишни (бюджетларни тайёрлаш асосларини шакллантириш мақсадида);

- бюджетни режалаштиришнинг дастурий-мақсадли усулини жорий этишни.

Ҳозирги вақтда ушбу усулнинг элементлари алоҳида бюджет маблағларини олувчилар томонидан қўлланилмоқда (масалан, илмий муассасалар, ихтисослашган тиббиёт марказлари ва бошқалар).

Бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли усули харажатларни режалаштириш ва молиялаштиришнинг смета усулидан натижага йўналтирилган бюджетни режалаштиришга босқичма-босқич ўтишни назарда тутди.

Бюджет ижроси жараёнини ислох этиш. Бюджет ижросининг ғазначилик тизимини жорий этиш қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- бюджетнинг даромадлар ва харажатлар бўйича операцияларини кўпгина тижорат банкларида очилган бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамлари ўрнига Ягона ғазначилик ҳисобварағида жамлаш;

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш" лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 26 мартдаги 144-сон Қарори

- ғаначилиқ томонидан (Марказий банк ўрнига) бюджетнинг касса ижросини маблағни ажратишдан бошлаб бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлагунга қадар амалга ошириш;
- ғазначилиқнинг ягона ахборот тизимини яратиш;
- бюджет маблағлари мақсадли ишлатилиши устидан дастлабки, жорий ва якуний назоратни амалга ошириш;
- давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ягона стандартларини яратиш.

### **3.Инқирознинг навбатдаги тўқини шароитида жаҳон мамлакатларида молия-кредит тизимини тартибга солиш ва ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини издан чиқараётган молиявий-иқтисодий инқироз ўтган асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги мутаносибликлар, хусусан реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши оқибатида вужудга кела бошлади. Бу мамлакатлардаги йирик молиявий муассасалар томонидан ўзининг хусусий корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг кўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал молиявий архитектурада жиддий нуқсонларга йўл қўйилиши, миллий иқтисодиётдаги ялпи талабни қўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун “арзон пуллар” сиёсатининг қўлланиши каби хатти-ҳаракатлар юзага келаётган номутаносибликларнинг янада кучайиши ва борган сари кескин, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тус олишига сабаб бўлди.

XXI асрнинг дастлабки даврларида жаҳон иқтисодиётида кузатилган молиявий-иқтисодий инқироз кейинги қарийиб ярим аср мобайнида тараққий этиб борган замонавий молия тизимидаги долзарб муаммолар таъсирида ханузгача давом этиб келмоқда. Кейинги йилларда кузатилган шиддатли глобаллашув жараёнлари молия тизимининг ҳам умумий трансформаллашувига таъсир этди. Ушбу даврларда молия тизимининг том маънодаги “архитектура”си ўзгариб борди ва параллел равишда унинг концептуал асосини ташкил этувчи молиянинг неоклассик назарияси шаклланиб борди. Замонавий молия тизими “архитектураси” қуйидаги омиллар таъсирида шаклланди:

-давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қисқартирилиб, иқтисодиётдаги тадбиркорлик фаолияти эркинлаштирилди. Пировард натижада, ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши жараёнида ҳосил қилинадиган пул фондлари таркибида корпоратив бирликлар кесимида шакллантириладиган марказлашмаган пул фондларининг ҳиссаси ва кўлами ҳаддан зиёд ортиб борди. Ушбу ҳолат молия тизимида корпоратив сектор молиясини ва молиявий воситачилиқ фаолияти билан шуғулланувчи институтларнинг аҳамиятини ортиб боришига олиб келди;



- молия тизимида давлат молияси молиялаштиришнинг етакчи сегменти бўлган бўлса, молиявий инновацияларнинг авж олиши ва молиявий бозорларда янги молиявий инструментларни (деривативалар, хедж инструментлари ва бошқалар) пайдо бўлиши натижасида ушбу тенденцияда молиявий воситачилик операциялари билан шуғулланувчи молиявий институтлар, бозорларнинг аҳамиятини ортишига олиб келди;

- давлатнинг иқтисодий қудрати, унинг молия тизимини барқарорлиги хусусий секторнинг иқтисодий қудратини сезиларли даражадалиги билан белгиланади. Кўп укладли иқтисодиётнинг шакллантирилиши, ялпи ички маҳсулотнинг шакллантирилишида хусусий укладнинг етакчилиги, уларнинг давлат молиявий ресурслари шакллантиришдаги аҳамиятининг ортишига олиб келди. Пировард натижада давлат молиясининг барқарорлигида хусусий сектор барқарор тараққиётининг таъсир кучи ўсиб борди.

- капиталлар, товарлар, меҳнат бозорларининг байналминлашуви алоҳида мамлакатларнинг молия тизимини интеграцион жараёнларга интилиб бориш тенденциясини шакллантирди. Бу ҳолат ўз навбатида ҳар бир мамлакат миллий молия тизимини бошқа мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлган инқирозли ҳолатларга ўзаро таъсир кучини юзага келтирди. Айниқса кейинги йилларда айрим ресурсларнинг глобал даражада истеъмолнинг кучайиши ушбу ресурслар бозоридаги конъюнктуранинг молия тизими барқарорлигига таъсир этиш имкониятининг кучайишига олиб келди. Масалан, углеводород хом ашёсини(асосан нефть) экспорт қилувчи мамлакатлар ва ушбу хом ашёни асосий импорт қилувчи мамлакатлар молия тизимининг барқарорлиги ушбу маҳсулотларга нисбатан жаҳон бозоридаги конъюнктурага кучли боғлиқ бўлмоқда.

Юқоридаги омиллар таъсирида шаклланган замонавий молия тизимидаги долзарб муаммолар қуйидагилардан иборатдир:

1. Халқаро савдо ва капиталлар ҳаракатидаги дисбаланснинг ҳанузгача сақланиб қолинаётганлиги. Бу ҳолат кейинги йилларда турли мамлакатлар кесимида олиб борилган иқтисодий сиёсат натижаси ҳисобланади. Хусусан, халқаро заҳиралар ҳажми бўйича етакчилик қилаётган Хитой иқтисодиётининг экспортга йўналтирилганлиги ва шунингдек, асосий ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг айрим товарлар ва хизматларга нисбатан истеъмолга “ётиб олиши” халқаро капиталлар ҳаракатидаги дисбаланснинг бузилишига олиб келган эди. Ушбу муаммони 2008 йилда расман тан олинган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини вужудга келишидаги асосий омил сифатида эътироф этилган эди. Кейинги йиллардаги тенденция кўрсатмоқдаки бу борадаги фаолиятни тартибга солиш борасида жиддий ўзгаришлар кузатилгани йўқ. Масалан, Хитойнинг АҚШга товарлар ва хизматлар экспорти 2012 йилда 10,3%га ортган.

2. Кейинги йилларда олиб борилган монетар сиёсатнинг салбий таъсирининг давом этиши. Бугунги кунда кучли молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан ўтказаётган европа иқтисодий конфедерацияси молия тизимидаги долзарб муаммолар каторида олиб борилган кредит экспансияси сиёсати натижасидаги банк тизимида глобал ликвидлилик муаммоси муҳим ўрин эгаллайди. Таниқли молиявий шарҳловчи Эмброса Эванса

Притчарднинг таъкидлашича Европа банклари нормал даражага чиқиши учун қарийиб 7 триллион евро миқдордаги берилган кредит ресурсларини қайтариб олиши лозим. Банкларнинг ушбу маблағлари таркибида давлат облигацион заёмларига қўйималар хажми ҳам сезиларли салмоқни ташкил этади.

3. Жаҳон молия бозори капиталлашув даражасининг ортиши ва унда юқори рискли активлар билан керагидан ортиқ даражада тўйиниши ушбу юқори рискли активлар бўйича операциялар устидан мавжуд назорат тизимини кучли таъсир кучига эга бўлмади.

4. Давлатлар томонидан олиб борилган қарз сиёсати ва унинг натижасида қарздорлик муаммосининг авж олиши.

5. АҚШ долларининг 2002-2008 йиллардаги қадрсизланиши, аксарият мамлакатларда унинг резерв валюта сифатидаги статусининг пасайишига олиб келди ва ҳатто айрим мамлакатлар халқаро ҳисоб китобларда алтернатив валюта ҳақида қарор қабул қилиш ҳолатларини кузатилишига олиб келмоқда.

6. Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиёти ва ҳар бир мамлакатларда иқтисодий мувозанатни сақлашга қаратилган молиявий сиёсат асосан глобал талаб ва таклифни рағбатлантиришга йўналтирилган. Лекин, олиб борилаётган молиявий сиёсат глобал иқтисодий ўсишни таъминлашда жиддий таъсир кучига эга бўлмаяпти.

Дастлаб бу чора-тадбирлар 2009-2010 йилларда маълум натижа бергандек бўлди. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатларининг пасайиши тўхтатилди, айрим мамлакатларда ишлаб чиқариш ўсди, инвестицион фаоллик жонланди. Бироқ, ушбу чора-тадбирлардаги ўзаро мутаносиблик даражасининг пастлиги, инқирозга қарши курашиш йўллари ва воситаларини қўллашдаги изчилликнинг йўқлиги уларнинг самарасини кескин пасайтириб юборди, аксарият ҳолларда қўзланган натижаларга эришиш имконини бермади.

2011 йил инқирознинг иккинчи тўлқини бошланиши эҳтимоли билан боғлиқ бозор ваҳималарининг қайтадан кучайиш даври бўлди. Айниқса, евроҳудуддаги қарздорлик инқироzi чуқурлашиб, унинг банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторига тарқалиши кузатилди. Европа сиёсатчилари яқдил бир қарорга келишда сусткашлик ва лаёқатсизликни намоён этишда давом этдилар.

Умуман Европа иттифоқида молиявий-иқтисодий инқирознинг кучайиши қуйидагилар билан бевосита боғлиқдир:

Дастлаб Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар молия тизимини(банк,солиқ ва бюджет тизими) тизимли назорат қилувчи органлар шакллантирилиши зарур эди. Шундан сўнг умумий кредит-пул тизими жорий этилиши зарур эди. Ҳозирги шароитда Еврокомиссия ва Европа марказий банки(ЕМБ) Евроҳудуд иқтисодиёти ва молия тизимини реал бошқариш имкониятига эга бўлмаяпти. Натижада унинг еврони миллий валюта сифатида қабул қилган мамлакатлардаги молиявий ҳолатни назорат қилиш имконияти мавжуд эмас.

ЕМБ томонидан олиб борилаётган сиёсат ҳам асосан евроҳудуд таркибидаги кучли мамлакатларга қаратилган. Бошқа мамлакатларнинг эҳтиёжлари ва ривожланиш хусусиятлари умумий қарор қабул қилишда таъсир кучига эга бўлмади. “Заиф бўғин” ҳисобланган мамлакатлар Еврокомиссия томонидан эълон қилинган шартларни тўлиқ бажариш имкониятига эга эмас эдилар. Натижада ушбу мамлакатлар бюджет мувозанатини таъминлашга йўналтирилган ЕИ қоидаларини буза бошладилар. Масалан, Греция евроҳудудга аъзо мамлакатлар томонидан имзолаган “Барқарорлик Пакти”, Бюджет интизоми бўйича белгиланган чегарадан четга чиқа бошлади. Масалан, ушбу барқарорлик пактига биноан давлат қарзларига белгиланган чегаравий мезонлар ЯИМга нисбатан 60% қилиб белгиланган эди.

## 1-жадвал

### Жаҳоннинг айрим мамлакатларида давлат қарзларининг ҳолати тўғрисида маълумот<sup>11</sup>

№	Мамлакатлар номи	ЯИМга нисбатан Давлат қарзлари, %да	Ахборот тегишли йил
1.	Япония	220,90	2015
2.	Греция	175,30	2015
3.	Италия	126,10	2015
4.	Португалия	119,70	2015
5.	Ирландия	118,00	2015
6.	Франция	89,10	2015
7.	Буюк Британия	88,70	2015
8.	Испания	83,20	2015
9.	Германия	80,50	2015
10.	АҚШ	105,40	2015

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, танланма кузатиш ўтказилаётган 10 мамлакатларда давлат қарздорлиги ЯИМга нисбатан 60%дан ортиб кетган. Маастрихт мезонлари бўйича давлат қарзлари ЯИМга нисбатан 60%дан ортиб кетмаслиги тавсия этилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзлари ҳамда уни бошқариш аксарият ривожланган мамлакатлар олдидаги долзарб муаммо сифатида майдонга чиқмоқда.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, аксарият мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги кузатилмоқда. Айниқса ҳозирги кунда Евроҳудуд таркибидаги мамлакатларда давлат молияси билан боғлиқ долзарб муаммоларда бюджет тақчиллиги муаммоси тобора кескинлашиб бормоқда. Хусусан, Италияда (-5,6%), Францияда (-5,8%), Буюк Британияда (-8,8%), Испанияда (-8,5%), Грецияда (-9,6%), АҚШда (-8,9%) бюджет тақчиллиги ўртача меъерий даражадан ортиб кетган (Маастрихт мезонлари бўйича ўртача меъерий даража 3%ни ташкил этади).

Бюджет тақчиллигининг ортиши ва уни ўсиб бориши аксарият мамлакатлардаги давлат қарзларининг тобора кўпайиб боришига олиб келмоқда.

<sup>11</sup> www. Vesti.ru

Давлат харажатларини қисқартириш иқтисодиётдаги умумий ўсишни секинлашувига олиб келди (Грецияда 100000 корхона ёпилди, қарийиб 30% аҳоли ночор, Иқтисодий ўсишнинг пасайиши аксарият европа мамлакатларида ишсизликни 10%дан ортишига олиб келди).

Греция 2010 йил апрел ойида содир бўлиши кутилган дефолт қутулиш мақсадида Европа комиссиясига мурожат қилди. Европа комиссияси, ЕМБ ва ХВФ 240 млрд евро миқдоридаги кредитни тақдим этиш мажбуриятини олди. Бунинг учун Греция ҳукумати олдига бюджетни иқтисод қилиш сиёсатини олиб бориш бўйича қаттиқ шартлар белгилади. Пировард натижада уй хўжаликлари иқтисодига жиддий таъсир кўрсатди.

## 2-жадвал

### Жаҳоннинг айрим мамлакатларида бюджет ҳолати тўғрисида маълумот<sup>12</sup>

№	Мамлакатлар номи	ЯИМга нисбатан %да	Ахборот тегишли йил
1.	Германия	- 1.70	2018
2.	Италия	- 5.60	2018
3.	Канада	- 3.80	2018
4.	Қирғизистон	- 5.10	2018
5.	Франция	- 5.80	2018
6.	Испания	- 8.50	2018
7.	Буюк Британия	- 8.80	2018
8.	АҚШ	- 8.90	2018
9.	Греция	- 9.60	2018

Европа иттифоқи мамлакатларида олиб борилган кредит экспансияси сиёсати натижасида банк тизимида глобал ликвидлик муаммоси вужудга келтирди. Таниқли молиявий шарҳловчи Эмброса Эванса-Притчарднинг таъкидлашича европа банклари нормал даражага чиқиши (АҚШ ва Япония банклари даражасига) учун қарийиб 7 триллион берилган кредитларини қайтариши лозим).

Европада молия тиимининг муҳим бўғини ҳисобланган давлат молияси тизимидаги долзарб муаммолар кескинлашиб бораётган бир пайтда АҚШ молия тизимида ҳам таназзулли ҳолатлар бошланди. Ушбу ҳолат ўз навбатида молия-кредит тизимини тартибга солиш соҳасида адекват стратегияни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатиб берди. Юқри даражадаги давлат харажатлари ва юқори даражадаги бюджет тақчиллиги шароитида давлат қарзларининг миқдори кескин ортиб борди. Хусусан, 2015 йил учун белгиланган лимит 16,4 трлн. доллар қилиб белгиланган бўлиб, ушбу кўрсаткични имкон даражасида узоқ давр ушлаб туришга йўналтирилган Барак Обаманинг дастури амалга оширилиши АҚШ иқтисодиётида ўзига хос бўлган “Фискал жарлик” эҳтимолли ҳолати бўлишини башорат қилина бошлади.

<sup>12</sup> www.Vesti.ru

Фискал жарлик (“Fiscall cliff”) — АҚШ бюджет секторидagi ҳолат шундай номланмоқда. Яъни 2013 йилдан автоматик рашвида солиқларнинг ортиши ва харажатларнинг қисқартирилиши кутилмоқда ушбу тадбирларнинг умумий суммаси 600 млрд. долл.ни ташкил этади. Ҳозирги экспертлик марказларининг эътироф этишича Америка иқтисодиёти 0,5%га пасайиши мумкин экан.

Агар Барак Обама томонидан таклиф этилган дастур амалга оширилса куйидаги ҳолатларнинг кутилиши эҳтимол қилинди:

1. Кейинги 3 йил моайнида сақланиб қоётган ЯИМга нисбатан 8,3% ишсизликнинг 9,1%на кўтарилиши.

2. 1,7%га ўсиши кутилаётган ЯИМнинг 0,5%га пасайиши.

3. Солиқларнинг ўсиши ва бюджет харажатларининг қисқариши истиеъмом талабига салбий таъсир этади.

4. Бюджет тақчиллигини 3%гача қисқартириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида тескари тенденция яъни 5,5-8,5%гача ўсиши кутилиши мумкин.

#### **4.Молиявий сиёсат ва унинг турлари**

Молиявий сиёсат – бу молиявий ресурсларни жамлаш, уларни давлатнинг ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун тақсимлаш ва ишлатиш шакл ҳамда усулларида тизимли намоён бўлувчи тадбирлар йиғиндисиدير.

Молиявий сиёсат – бу давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, молиявий ресурсларни (манбаларни) жалб этиш, уларни тақсимлаш, ишга солиш ва фойдаланишга давлат орқали йўналтирилган барча чора-тадбирлар йиғиндисиدير.

Молия - иқтисодий категория ҳисобланади. Чунки, унинг моддий асосини такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги пул айланиши ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай молиявий сиёсат амалга оширишидан қатъий назар ишлаб чиқариш манфаатлари, унинг узлуксиз давом этиш конуниятларини бузмаслиги лозим.

Молиявий сиёсатнинг муҳим вазифаси – у ёки бу иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат режасини ёки чора-тадбирларини амалга ошириш учун тегишли молиявий ресурслар билан таъминлашдир. Бу сиёсат иқтисодий сиёсатга боғлиқ аммо бу молиявий муносабатлар соҳасида давлатнинг мустақил фаолият кўрсатадиган соҳаси. Молия сиёсати мустақил хусусиятга эга бўлиш билан бир вақтда давлат сиёсатини ҳар қандай исталган ижтимоий фаолиятни амалга ошириш учун хоҳ ижтимоий, хоҳ иқтисодий, ёки халқаро муносабатлар доирасида муҳим воситадир.

Молиявий сиёсат куйидаги муҳим бўғинларни ўз ичига олади:

а) молиявий муносабатларни ривожлантиришнинг илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқиш.

б) истиқболда ва жорий давр мобайнида молиядан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш.

в) қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган амалий хатти-ҳаракатлар, чора-тадбирлар кўриш.

Ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг характериға, мураккаблиғига ва даврини узоқлиғига қараб, молиявий сиёсат:

1. Молиявий стратегия.
2. Молиявий тактикаға бўлинади.

Молиявий стратегия – ижтимоий ва иқтисодий стратегияни белгилаб берган узоқ истиқболға мулжалланган ва йирик масштабдаги вазифаларни бажаришға қаратилган бўлиб, у молия ривожланишининг асосий концепцияларини ишлаб чиқиш, молиявий муносабатларни ташкил этиш тамойилларини белгилашни кўзда тутди.

Молиявий тактика – стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида молиявий муносабатларни ташкил этиш усуллари орқали амалға оширади.

### **Ўз-ўзини баҳолаш саволлари:**

1. Молиянинг ижтимоий – иқтисодий мазмуни нималардан иборат?
2. Молия тизими вау бўйича илмий қарашлар нималардан иборат?
3. Молия тизими қандай бўғинларни ўз ичига олади?
4. Молиянинг ривожланиши неча даврга бўлинади?
5. Молиявий сиёсат ва унинг турларини айтиб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 7 феврал.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларға тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришға оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Тошкент шаҳри, 2017 йил 13 декабрь

3. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалға оширишға оид Давлат дастури // <https://regulation.gov.uz/ru/document/1678>.

4. Боди З., Мертон Р. Финансы.: Пер. с англ.: Уч. Пос.- М.: «Вильямс», 2008.

5. Gadoev E.F., Qurbonov X.A. Moliya. - T. O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005.- 189 б.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

### **1-амалий машғулот:**

**Молия тизими: унинг бўғинлари ва XXI аср бўсағасида унинг трансформаллашув тенденциялари.**

### **СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ**

#### **☞ Муҳокама учун саволлар**

- 1. Замонавий молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.**
- 2. Молия тизимини тартибга солиш жараёнининг мақсади ва вазифалари.**
- 3. Инқирознинг навбатдаги тўқини шароитида жаҳон мамлакатларида молия-кредит тизимини тартибга солиш ва ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 4. Молиявий сиёсат ва унинг турлари**

**Ишдан мақсад:** Бозор иқтисодиёти шароитида Замонавий молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари ўрганиш.

#### **Масаланинг қўйилиши**

#### **Ў қ у в ф а о л и я т и н а т и ж а л а р и :**

#### **Тингловчилар билладилар:**

- ✓ Замонавий молия тизими ва унинг ривожланиш босқичларини;
- ✓ Молия тизимини тартибга солиш жараёнининг мақсади ва вазифаларини;
- ✓ Инқирознинг навбатдаги тўқини шароитида жаҳон мамлакатларида молия-кредит тизимини тартибга солиш ва ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятларини;
- ✓ Молиявий сиёсат ва унинг турларини;

#### **Тингловчилар уддалайдилар:**

- ✓ Замонавий молия тизими ва унинг ривожланиш босқичларини тушуниб етадилар;
- ✓ Молия тизимини тартибга солиш жараёнининг мақсади ва вазифаларини таҳлил қиладилар, бир неча мамлакатлар кесимида солиштирадилар;
- ✓ Молиявий сиёсат ва унинг турларига оид график ва чизмаларни таҳлил қиладилар.

## **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:**

**Топшириқ 1.** Инқирознинг навбатдаги тўқини шароитида жаҳон мамлакатларида молия-кредит тизимини тартибга солиш ва ислох қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

**Иш мазмуни:** Молия тизимини тартибга солиш жараёнининг мақсади ва вазифаларини тизимли равишда ўрганиш.

**Топшириқ 2.** Макроиктисодий барқарорлик ва миллий иқтисодиётни мувозанатли тараққиё этишиа давлатнинг роли ва вазифаларини ўрганиш.

**Иш мазмуни:** ресурслар, товарлар ва хизматлар бозоридаги айланма ва макроиктисодий тартибга солиш тизимида фойдаланиладиган инструментлар билан танишиш.

### **1. Замоनावий молия тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.**

Молия тизими сифатида «молиявий муносабатларнинг ташкил қилиш шакли» ёки «молиявий муносабатларнинг ташкилий тузилмалари мажмуаси» сифатида кўриб ўтиш мумкин. Масалан, Таниқли америкалик мутахассис Ж.Ван Хорн молия тизимига - давлат, фирмалар ва фуқароларга турли хил хизматлар кўрсатувчи молиявий муассасалар ва бозорларнинг мажмуаси<sup>13</sup> – деган таърифни беради. Л.Дробозинанинг фикрича «Молия тизими - пул маблағлари фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш жараёнидаги молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини мажмуасидан иборат<sup>14</sup>»-деган таърифни беради.

Профессорлар А.В.Ваҳобов, Т.С. Маликовнинг фикрича “ ...турли пул фондларидан шакланнадиган ва фойдаланиладиган молиявий муносабатларнинг турли соҳалари мажмуига молия тизими дейилади”<sup>15</sup> . Э.Ф.Гадоев ва Х.А.Қурбоновларнинг фикрича “Молия тизими - молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини ўз ичига олиб, турли соҳалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш шакллари ва усуллари мажмуаси билан тавсифланади”<sup>16</sup>.

Юқоридаги молия тизими бўйича келтирилган таърифларда мантиикий яхлитлик бўлиб, ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимланиш жараёнида ҳосил бўладиган пул маблағлари фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёни молия тизимининг марказий мазмуини ташкил қилиш таъкидланади.

Молия тизимининг асосий функциялари қуйидагилардан иборатдир:

- режалаштириш функцияси;
- ташкиллаштириш функцияси;
- рағбатлантириш функцияси;
- назорат.

<sup>13</sup> Ван Хорн Дж. Основы управления финансами М.: Финансы и статистика, 1996. 34 с


<sup>14</sup> Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение и кредит. М.: Финансы и статистика, 2000.

<sup>15</sup> Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент, 2007. – 63 б.

<sup>16</sup> Gadoev E.F., Qurbonov X.A., Bauetdinov M.J. Moliya (O`quv qo`llanma) T.: Adabiyot nashriyoti. 2006 yil , 24 b.



Ташкиллаштириш молия тизимининг асосий функцияси сифатида давлат молиявий ресурсларини шаклланиши ва тақсимланиш кўламини аниқлаш, ваколатли кредит ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаларни ўз ичига олади. Амалга ошириладиган молиявий сиёсат ва унинг стратегик йўналишлари ва унинг тактик вазифалари ташкиллаштиришнинг моддий асосини ташкил этади.



**1-расм. Молия тизими ҳақидаги илмий қарашларнинг туркумланиши<sup>17</sup>.**

Рағбатлантириш функцияси пул маблағларга эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда молиявий фаолиятга таъсир этувчи омиллар назарда тутилади.

Молия тизимининг режалаштириш функцияси мақсадларни шакллантириш ва уни амалга оширишнинг молиявий имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ тадбирларни кўзда тутаяди.

Молия тизимининг назорат функциясида ўрнатилган мақсадларга эришишни солиштириш учун олинган натижаларни баҳолаш ва меъёрлар ишлаб чиқиш жаранларини ўз ичига олади.

Иқтисодий субъектларнинг даромадларини шаклланиш усуллариға боғлиқ равишда молия тизимини марказлаштирилган молия(давлат молияси) ва марказлаштирилмаган молия(хўжалик субъектлари ва уй хўжаликлари молияси) каби 2 асосий турға ажратиш қабул қилинган.


Молия тизими пул муносабатлари тизимини ташкил қилиш шакли сифатида молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишни таъминловчи 3 асосий ўзаро боғлиқ тизимларға бўлинади: Давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг молияси, хўжалик субъектлари молияси, уй хўжаликлари молияси(аҳоли молияси).

Яҳлит молия тизимини ташкил қилувчи мазкур тизимлар ҳам иқтисодий субъектларнинг аниқ пул маблағлари фондини ташкил қилинишиға қараб ўз навбатида алоҳида бўғинларға ажратилади.

<sup>17</sup> Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент, 2007. – 45 б.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики молия тизимининг бўғинлари мамлакат миқёсида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқдир.

Марказлаштирилган молиянинг таркибида давлат молияси муҳим аҳамият касб этади. Давлат молияси хўжалик субъектлари молияси билан бевосита боғлиқдир. Чунки бюджет даромадларини асосий манбаларидан бири ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида яратиладиган миллий даромад ҳисобланади.



**2-расм. Молия тизимининг бўғинлари.**<sup>18</sup>

Бюджет давлат молиясини асосий бўғини ҳисобланади. Чунки бюджет орқали ЯИМнинг тахминан 20-25%и қайта тақсимланади. Давлат бюджет орқали йирик миқдордаги пул ресурсларига ега бўлади. Бундай пул ресурслари орқали давлат ўзининг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа вазифаларини амалга оширади. Чунончи, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда бюджет асосий рол ўйнайди. Ҳозирги шароитда умумий бюджет харажатларининг тахминан 60 % атрофида ижтимоий-маданий тадбирларга йўналтирилмоқда.


Молия тизимининг асосини марказлаштирилмаган молия ташкил қилади. Чунки, айнан бу соҳада ялпи ички маҳсулот яратилади. Бирламчи даромадлар ва жамғармаларнинг манбаи ялпи ички маҳсулот ҳисобланади.

<sup>18</sup> Gadoev E.F., Qurbonov X.A., Bauetdinov M.J.. Moliya (O`quv qo`llanma) T.: Adabiyot nashriyoti. 2009 yil , 24 b.

Бирламчи даромадлар(миллий даромад) солиқ тизими, турли тўловлар тизими ва фойдани тақсимланиш тизими орқали қайта тақсимлаш жараёнининг манбаи ҳисобланади.

Марказлаштирилмаган молиянинг таркибидаги молиявий воситачи муассасалар молияси муҳим ааҳамият касб этади. Ушбу бўғиннинг маркази й институтлари мамлакатнинг кредит тизимини ташкил этади. Хусусан, ривожланган мамлакатлар бутун молия тизимида марказий ўринни молиявий воситачи муассасалар эгаллайди. Юқори даражадаги такомиллашган молиявий инфраструктура тизимини мавжудлиги ва молиявий воситачиликни ривожланганлиги натижасида уларда инвестицион мақсадлардаги йирик молиявий ресурслар концентрацияси содир бўлган.

XX асрнинг охириги 10 йилидаги молиявий инновацияларнинг шиддат билан ривожланишига қарамасдан ранг-баранг молиявий воситачилик турлари молиявий ресурсларни охириги истеъмолчилар учун самарали жойлашувини таъминловчи «молиявий маҳсулот»ни жалб қилиш ва сотиш каби умумий функцияларни бажаради.



**3-расм. Молия тизимининг институционал таркиби<sup>19</sup>.**

Молиявий воситачилар таркибида тижорат банклари, кредит иттифоқлари, суғурта компаниялари, хусусий пенсия фондлари, молиявий компаниялар ва бошқалар ҳисобланади. Улар иқтисодиётнинг молиявий секторини асосини ташкил қилади. Буни Э.Ф.Гадов ва Х.А.Қурбоновлар куйидаги тарзда ифодалядилар.

Иқтисодиётнинг молиявий секторини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Биринчи ҳолатда молиявий сектор билан биргаликда назорат қилувчи органлар ва молиявий иттифоқларни тушунишимиз мумкин.

<sup>19</sup> Gadoev E.F., Qurbonov X.A., Bauetdinov M.J.. Moliya (O`quv qo`llanma) T.: Adabiyot nashriyoti. 2009 yil , 24 b.

Назорат қилувчи органларнинг асосий вазифалари молия тизимини барқарор фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳукумат томонидан чиқарилган қонун ва қарорлар ҳамда меъёрий ҳужжатларни амалда қўллаш ва бевосита молиявий институтлар фаолияти устидан назратни амалга ошириш ҳисобланади.

Молиявий иттифоқларнинг асосий вазифалари давлат ва жамият олдида молиявий институтлар гуруҳларининг манфаатларини тақдим етиш ва ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Молиявий секторнинг молиявий институтларига банк тизими ва нобанк молиявий воситачи муассасаларни киритишимиз мумкин. Ўз навбатида банк тизими таркибида марказий банклар алоҳида ўринга егадир. Марказий банклар давлатнинг пул кредит сиёсатини амалга оширишда масъул муассаса ҳисобланади. Шунингдек, тижорат банклари устидан назорат ва уларни кредитлашни амалга оширади, эмиссия(пуллар, банкноталар ва бошқа кредит пулларини муомалага чиқариш), давлатни кредитлаш ва ҳукумат учун ҳисоб-китоб операцияларни амалга ошириш, олтин-валюта захираларини сақлаш ва бошқа функцияларни бажаради.

Тижорат банклари универсал молиявий муассасалар ҳисобланиб, кредит, инвестицион, молиявий воситачилик, ҳисоб китоб операцияларни амалга оширади. Замонавий тижорат банклари асосан акционерлик шаклида ташкил қилинади. Тижорат банклари: актив операциялар, пасив операциялар, воситачилик ва ишонч операциялари ва бошқа қатор операцияларни бажаради.



4-расм. Молия тизимининг институционал таркиби<sup>20</sup>.

Нобанк кредит ташкилотлари қонун буйича белгиланган алоҳида банк операциялари амалга ошириш ҳуқуқига егадирлар. Аммо улар тўлақонли банк операцияларни амалга ошира олмайдилар. Шунинг учун ҳам аксарият

<sup>20</sup>Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент, 2007. – 51 б.

адабиётларда нобанк молиявий муассасаларга нисбатан «квазибанклар» деган тушунча келтирилади.


Молиявий воситачи муассасалар таркибида суғурта муассасаларининг аҳамияти юксакдир. Умуман, суғурта муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида аксарият иқтисодчи олимлар суғуртани молия тизининг алоҳида бўғини сифатида қарайдилар.

Умуман юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш жоизки, “Молия тизими” ва “Молия-кредит тизими” тушунчалари ўртасида аниқ жиддий чегараланишлар мавжуд бўлмасдан, улар доимо бир бирини тўлдириб борадилар.

Масалан, Аксарият хорижий иқтисодчилар жамиятнинг молия тизими деганда асосий урғуни банк тизими ва молиявий бозорларга қаратишади. Бунга асосий сабаб ривожланган мамлакатлар молия тизимининг тараққий этиш хусусиятлари, юқорида кўриб ўтган бўғинларнинг маълум бир турининг ривожланиши хусусиятлари асосий таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қиладилар.

Назарий жиҳатдан молия тизими деганда пул маблағларининг ҳаракати в ушбу ҳаркатда иштирок этувчи субъектлар назарда тутилади. Буни қуйидаги расм маълумотларидан кўришииз мумкин.

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, молия тизимининг асосий функционал вазифаси молиявий ресурсларга эҳтиёж сезкувчи секторларга ортиқча молиявий ресурслар мавжуд бўлган секторлардан молиявий ресурсларни ҳаракатга келтириш, қайта тақсимлаш ҳисобланади.



**5-расм. Турли мамлакатлар молия тизимининг хусусиятларининг ташкилий чизмаси<sup>21</sup>.**

Ушбу бўш маблағларни жамлаш ва уни эҳтиёж сезувчи секторларга ҳаракатланишида молия тизимининг ҳар қайси бўғинининг фаол иштирок этиши ушбу бўғинининг молия тизимидаги етакчилик ролини таъминлайди.

<sup>21</sup> Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент, 2007. –57 б.

АҚШ молия тизимининг ўзига хос хусусиятлари унда молиявий бозорларнинг етакчилик мавқеи ҳисобланиши ва фонд бозорларининг капиталлашув жараёнининг юқори кўлами билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам АҚШ молия тизими молиявий бозорларга асосланган тизими сифатида тавсифланади.

Молиявий ресурслар концентрацияси банк тизимида юқори бўлган мамлакатлар молия тизими банкларга асосланган молия тизими ҳисобланади. Бундай молия тизим амал қилувчи мамлакатларга мисол тариқасида Швейцария, Германия молия тизимларини мисол келтириш мумкин.

Давлатнинг жамият ҳаётидаги ролининг юқорилиги, иқтисодиётдаги дават секторининг салмоқли ҳиссасининг мавжудлиги шароитида айрим мамлакатлар молия тизимида давлат молиясининг етакчи мавқеи амал қилади.

Ҳозирги кунда ҳукм сураётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳар бир мамлакат молия тизимида инқирознинг таъсир даражаси ҳам ушбу мамлакатлар молия тизимининг шаклланиши, унинг ҳар бир бўғинлари капиталлашув даражасининг миқдорига бевосита боғлиқ бўлмоқда. Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган ислохотларда молия тизимининг аҳамиятини янада ошириш биринчи навбатда ҳар бир мамлакат кесимида молия тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг тўғри танланаётганлигига боғлиқдир. Бу борада республикамиз миллий иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотларга тўхталиб ўтаемиз.

## **2. Молия тизимини тартибга солиш жараёнининг мақсади ва вазифалари.**

Юқорида таъкидалаганимиздек, молия кредит тизимининг барқарор фаолияти миллий иқтисодиёт барқарор тараққиётининг бош омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун тўлиқ бандлик ва ялпи ички маҳсулотни ноинфляцион ишлаб чиқаришга йўналтирилган муомаладаги пул массасини бошариш бўйича чорат тадбирларни ўзида ифодаловчи пул-рқдети сиёсати ва шунингдек, тўлиқ бандлик ва ялпи ички маҳсулотни ноинфляцион ишлаб чиқаришга йўналтирилган давлат харажатлари ва солиқларни бошқариш бўйича чорат тадбирларни ўзида ифодаловчи бюджет солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг йўналишлари сифатида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни яратишга қаратилган изчил иқтисодий ислохотларни амалга оширмоқда. Ислохотлар стратегияси давлат иқтисодий сиёсатининг кенг қамровли дастакларини ўз ичига олади. Мана шундай дастаклардан энг муҳимларидан бири-давлатнинг изчил молиявий сиёсати ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат молиявий сиёсатини олиб бориш ва иқтисодни молиявий тартибга солиш муаммоларига алоҳида эътибор берилади.

Молиявий сиёсат давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, уни фалсафий категорияга таққослайдиган бўлсак, устқурмага тааллуқлидир.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам давлат бирон-бир мақсадга эришиш, олдига қўйган вазифа ва мажбуриятларини бажариш учун молиядан кенг фойдаланади.

Молия кредит тизимини тартибга солишнинг биринчи вазифаси тўлов тизимининг барқарорлигини таъминлаш, инфляцияни жиловлаш ва пировард натижада барқарор тўлов балансини шакллантириш ҳисобланади.

Кредит молия-тизимининг барқарорлигининг таъминлаш, унинг алоҳида бўғинларининг биринчи навбатда тижорат банклари фаолиятини барқарорлигини таъминлаш мамлакат марказий банкнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Марказий банкнинг яна бир асосий вазифаларидан кредит органларини (тизимини) фаолиятини тартибга солиш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Монетар сиёсатнинг асосий масалалари пул-кредит сиёсати билан боғлиқ бўлиб, умумиктисодий инфратузилмаларни тартибга солишнинг, бозор конъюктурасини юқори даражада ушлаб туриш, бандликка таъсир ўтказиш, инқирозли тушумларни олдини олишнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, монетар сиёсатнинг назарий масалалари- муомаладаги пул маблағлари миқдорини, банк кредитлари ҳажмини, фоиз ставкаларини, валюта курсларини, тўлов балансини ва ўз навбатида бевосита мамлакат иқтисодиёти ҳолатини ўзгартириш учун йўналтирилган тадбирлар мажмуасидир. Иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш тўғрисидаги етакчи назарияларнинг моҳиятини тушунмасдан туриб, илмий асосланган пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш, унинг стратегияси ва тактикасини аниқ белгилаб олиш мумкин эмас. Бу ҳолат, айниқса, ўз мустақиллигини нисбатан яқинда қўлга киритган ва мустақил иқтисодий сиёсат, шу жумладан, пул-кредит сиёсатини амалга ошираётган давлатлар учун жуда муҳимдир.

Давлат сиёсатининг энг асосий мақсади, кейнсчиларнинг қарашларига кўра, меҳнат ресурсларининг юксак даражада бандлигини ва ишлаб чиқаришнинг максимал даражада ўсиш суръатини таъминлаш бўлса, монетарчилар учун асосий вазифа баҳоларнинг ва миллий пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Шу сабабли, монетарчиларнинг моделларида ишчи кучи бозоридаги ҳолат ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми таркибий омиллар таъсирида шаклланади ва шу сабабли, иқтисодий сиёсат чора-тадбирлари ёрдамида ўзгариши мумкин эмас. Ана шунга асосланган ҳолда, улар, конъюктуранинг даврий тебранишларига ҳар қандай воситалар билан барҳам беришга ҳаракат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит орқали тартибга солишнинг объекти пул бозоридаги талаб ва таклиф ҳамда унинг натижасида вужудга келадиган фоиз меъёри ҳисобланади. Пул-кредит орқали тартибга солиш субъекти эса мамлакат Марказий банки ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит орқали тартибга солишнинг объекти пул бозоридаги талаб ва таклиф ҳамда унинг натижасида вужудга келадиган фоиз меъёри ҳисобланади. Пул-кредит орқали тартибга солиш

субъекти эса мамлакат Марказий банк ҳисобланади. Булар қуйидаги тарзда амалга оширилади:

- биринчидан, монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

- иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

- учинчидан, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланklarини назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланklarини ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

- биринчидан, монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

- иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

- учинчидан, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланklarини назорат қилиш, қимматли қоғозлар бланklarини ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

- монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари самарали бўлишини таъминлаш учун, авваламбор, албатта ўтган йиллардаги мамлакатдаги иқтисодий конъюнктура ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмоғи зарур. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулотнинг таркиби, ўсиш ёки камайиш динамикаси, уларнинг сабаблари ўрганилади. Ялпи ички маҳсулотнинг қишлоқ хўжалигидаги, саноат, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, инвестиция ва қурилиш соҳаларидаги ўзгаришлари ва уларнинг сабаблари таҳлил қилинади. Шу билан бирга, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан ҳисобланган инфляция ва нархларнинг ўсиш даражалари, тенденцияси ва сабаблари тўлиқ ўрганилади.

Бюджет-солиқ тизимини тартибга солиш соҳасидаги асосий мақсад мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларини тамилаш, яхлит ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатини изчи амалга оширишга ёўналтирилган адекват тизимни шакллантириш ҳисобланиб, бу борадаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

4. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини солиқлар орқали рағбатлантириш мақсадида солиқ юкени изчил камайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш. Албатта бу соҳада қатор ислохотлар амалга оширилаётган бўлиб, солиқ юкени қичартириш сиёсати ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди.

5. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, фаол инвестиция сиёсатида давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар молиявий ресурсларининг мобилизация қилиш ва давлат инвестицияларини самарали соҳаларга инвестициялаш. Ҳозирги халқаро бозорлардаги инвестиция ресурсларининг тақчиллиги шароитида фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам умумий инвестициялар



таркибида асосий салмоқни ташкил этмаса-да, бюджет ресурслари ҳисобига инвестициялаш давлат томонидан иқтисодий қўллаб қувватлаш сиёсатини ўзида ифодалайди.

6. Ҳозирги шароитдаги асосий вазифалардан бири давлатнинг ижтимоий сиёсатини самарали реализация қилиш. Кучли ижтимоий ҳимоя тизимининг молиявий асосларини шакллантириш ҳисобланади. Ижтимоий соҳаларни қўллаб қувватлаш орқали бир қатор оралиқ вазифаларнинг ҳам ижроси таъминланади:

биринчидан, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш даромадлар тенгсизлигини олди олинад ва даромадларни соҳалар бўйича қайта тақсиманиши амалга оширилади;

иккинчидан, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш сиёсати орқали ялпи талаб таркибидаги истеъмол талабнинг барқарорлашуви таъминланади. Истеъмол талаби ҳозир ҳукм сураётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида барча мамлакатлардаги долзарб масалалардан бири ҳисоланади. Масалан, АҚШдаги инқирознинг бошланиши АҚШ иқтисодий ҳаётидаги истеъмол талабининг пасайиши натижасида макроиқтисодий мувозанатнинг бузилишидан бошланган. Шунингдек, ҳозирги кунда аксарият ривожланган мамлакатларда олиб борилаётган фискал сиёсат асосан истеъмол талабини оширишга қаратилган.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, жорий йилда бюджет тизимида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ўзида бюджет тизимидаги ислохотларнинг истиқболга мўлжалланган стратегик йўналишларини ўз ичига олади.

Хусусан, 2016 йилги Давлат бюджетида иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсияларни инфляция суръатларидан юқори миқдорларда ошириб бориш йўли билан аҳоли даромадлари ҳамда турмуш даражаси оғишмай ўсиб боришини таъминлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини кучайтириш, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислоҳ қилиб, маҳаллий ҳокимият органлари мустақиллигини ҳамда даромадлар базасини кенгайтиришдан ва ресурслардан самарали фойдаланишдан манфаатдорлигини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Маъмурий ислохот ва давлат хизмати ислохотини самарали амалга ошириш ислохотлар жараёни билан бир вақтда давлат органлари фаолиятининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришни тақозо этади. Бундай такомиллаштиришнинг бош мақсадлари, биринчидан, самарадорлик ёки унумдорликни ошириш, яъни давлат органларининг функцияларини бажаришга харажатларни қисқартириш, давлат хизматларининг сифатини сақлаб қолган ёки янада яхшилаган ҳолда уларни арзонлаштириш, иккинчидан, давлат хизматида фаолиятни доимий яхшилашнинг ички рағбатларини яратиш, шу жумладан, ташкилий жиҳатдан ривожланиш ҳамда иш технологияларини оптималлаштиришдир. Маъмурий ислохот доирасида қўлланилган янги иқтисодий механизм унга лозим даражада фаол тус бериш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга йўналтириш, унинг ўзини-ўзи ривожлантиришини таъминлашга қодир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Давлат молиясини бошқариш ислохотининг 2007-2018 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган давлат дастури тайёрланмоқда, маъмурий ислохот йўналишлари аниқланмоқда.

Мазкур ислохот, агар у давлат органлари фаолиятини бошқариш, режалаштириш, бюджетлаштириш ва мазкур фаолиятга баҳо бериш ислохотлари, яъни давлат бошқаруви иқтисодий механизмини ислох қилиш билан бирга амалга оширилса, янада самаралироқ бўлади.

Ушбу йўналишдаги ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда қабул қилинган Қарори<sup>22</sup> хазмат қилади.

Ушбу йўналишдаги ислохотларда қуйидагилар белгилаб олинган:

- давлат молиясини бошқариш самарадорлигини янада ошириш;
- давлат бюджети ижросини ғазначилик тизимини жорий этиш ва натижада давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг замонавий механизмини шакллантириш;

- давлат бюджетини бошқаришнинг асосий функционал элементи ҳисобланган бюджет жараёнини ва бюджетни режалаштириш тизимини такомиллаштириш.

Бюджет жараёни ва бюджетни режалаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича ислохотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўрта муддатли бюджет стратегиясига ўтишга тайёргарликни;
- бюджетни тузиш жараёнига бирламчи миқдорий чеклашларни ишлаб чиқиш босқичини киритишни (бюджетларни тайёрлаш асосларини шакллантириш мақсадида);

- бюджетни режалаштиришнинг дастурий-мақсадли усулини жорий этишни.

Ҳозирги вақтда ушбу усулнинг элементлари алоҳида бюджет маблағларини олувчилар томонидан қўлланилмоқда (масалан, илмий муассасалар, ихтисослашган тиббиёт марказлари ва бошқалар).

Бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли усули харажатларни режалаштириш ва молиялаштиришнинг смета усулидан натижага йўналтирилган бюджетни режалаштиришга босқичма-босқич ўтишни назарда тутди.

Бюджет ижроси жараёнини ислох этиш. Бюджет ижросининг ғазначилик тизимини жорий этиш қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- бюджетнинг даромадлар ва харажатлар бўйича операцияларини кўпгина тижорат банкларида очилган бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамлари ўрнига Ягона ғазначилик ҳисобварағида жамлаш;

---

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш" лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 26 мартдаги 144-сон Қарори

- ғаначилиқ томонидан (Марказий банк ўрнига) бюджетнинг касса ижросини маблағни ажратишдан бошлаб бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлагунга қадар амалга ошириш;
- ғазначилиқнинг ягона ахборот тизимини яратиш;
- бюджет маблағлари мақсадли ишлатилиши устидан дастлабки, жорий ва якуний назоратни амалга ошириш;
- давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ягона стандартларини яратиш.

### **3.Инқирознинг навбатдаги тўқини шароитида жаҳон мамлакатларида молия-кредит тизимини тартибга солиш ва ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини издан чиқараётган молиявий-иқтисодий инқироз ўтган асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги мутаносибликлар, хусусан реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши оқибатида вужудга кела бошлади. Бу мамлакатлардаги йирик молиявий муассасалар томонидан ўзининг хусусий корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг кўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал молиявий архитектурада жиддий нуқсонларга йўл қўйилиши, миллий иқтисодиётдаги ялпи талабни қўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун “арзон пуллар” сиёсатининг қўлланиши каби хатти-ҳаракатлар юзага келаётган номутаносибликларнинг янада кучайиши ва борган сари кескин, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тус олишига сабаб бўлди.

XXI асрнинг дастлабки даврларида жаҳон иқтисодиётида кузатилган молиявий-иқтисодий инқироз кейинги қарийиб ярим аср мобайнида тараққий этиб борган замонавий молия тизимидаги долзарб муаммолар таъсирида ханузгача давом этиб келмоқда. Кейинги йилларда кузатилган шиддатли глобаллашув жараёнлари молия тизимининг ҳам умумий трансформаллашувига таъсир этди. Ушбу даврларда молия тизимининг том маънодаги “архитектура”си ўзгариб борди ва параллел равишда унинг концептуал асосини ташкил этувчи молиянинг неоклассик назарияси шаклланиб борди. Замонавий молия тизими “архитектураси” қуйидаги омиллар таъсирида шаклланди:

-давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қисқартирилиб, иқтисодиётдаги тадбиркорлик фаолияти эркинлаштирилди. Пировард натижада, ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши жараёнида ҳосил қилинадиган пул фондлари таркибида корпоратив бирликлар кесимида шакллантириладиган марказлашмаган пул фондларининг ҳиссаси ва кўлами ҳаддан зиёд ортиб борди. Ушбу ҳолат молия тизимида корпоратив сектор молиясини ва молиявий воситачилиқ фаолияти билан шуғулланувчи институтларнинг аҳамиятини ортиб боришига олиб келди;

- молия тизимида давлат молияси молиялаштиришнинг етакчи сегменти бўлган бўлса, молиявий инновацияларнинг авж олиши ва молиявий бозорларда янги молиявий инструментларни (деривативалар, хедж инструментлари ва бошқалар) пайдо бўлиши натижасида ушбу тенденцияда молиявий воситачилик операциялари билан шуғулланувчи молиявий институтлар, бозорларнинг аҳамиятини ортишига олиб келди;

- давлатнинг иқтисодий қудрати, унинг молия тизимини барқарорлиги хусусий секторнинг иқтисодий қудратини сезиларли даражадалиги билан белгиланади. Кўп укладли иқтисодиётнинг шакллантирилиши, ялпи ички маҳсулотнинг шакллантирилишида хусусий укладнинг етакчилиги, уларнинг давлат молиявий ресурслари шакллантиришдаги аҳамиятининг ортишига олиб келди. Пировард натижада давлат молиясининг барқарорлигида хусусий сектор барқарор тараққиётининг таъсир кучи ўсиб борди.

- капиталлар, товарлар, меҳнат бозорларининг байналминлашуви алоҳида мамлакатларнинг молия тизимини интеграцион жараёнларга интилиб бориш тенденциясини шакллантирди. Бу ҳолат ўз навбатида ҳар бир мамлакат миллий молия тизимини бошқа мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлган инқирозли ҳолатларга ўзаро таъсир кучини юзага келтирди. Айниқса кейинги йилларда айрим ресурсларнинг глобал даражада истеъмолнинг кучайиши ушбу ресурслар бозоридаги конъюнктуранинг молия тизими барқарорлигига таъсир этиш имкониятининг кучайишига олиб келди. Масалан, углеводород хом ашёсини(асосан нефть) экспорт қилувчи мамлакатлар ва ушбу хом ашёни асосий импорт қилувчи мамлакатлар молия тизимининг барқарорлиги ушбу маҳсулотларга нисбатан жаҳон бозоридаги конъюнктурага кучли боғлиқ бўлмоқда.

Юқоридаги омиллар таъсирида шаклланган замонавий молия тизимидаги долзарб муаммолар қуйидагилардан иборатдир:

7. Халқаро савдо ва капиталлар ҳаракатидаги дисбаланснинг ҳанузгача сақланиб қолинаётганлиги. Бу ҳолат кейинги йилларда турли мамлакатлар кесимида олиб борилган иқтисодий сиёсат натижаси ҳисобланади. Хусусан, халқаро заҳиралар ҳажми бўйича етакчилик қилаётган Хитой иқтисодиётининг экспортга йўналтирилганлиги ва шунингдек, асосий ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг айрим товарлар ва хизматларга нисбатан истеъмолга “ётиб олиши” халқаро капиталлар ҳаракатидаги дисбаланснинг бузилишига олиб келган эди. Ушбу муаммони 2008 йилда расман тан олинган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини вужудга келишидаги асосий омил сифатида эътироф этилган эди. Кейинги йиллардаги тенденция кўрсатмоқдаки бу борадаги фаолиятни тартибга солиш борасида жиддий ўзгаришлар кузатилгани йўқ. Масалан, Хитойнинг АҚШга товарлар ва хизматлар экспорти 2012 йилда 10,3%га ортган.

8. Кейинги йилларда олиб борилган монетар сиёсатнинг салбий таъсирининг давом этиши. Бугунги кунда кучли молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан ўтказаётган европа иқтисодий конфедерацияси молия тизимидаги долзарб муаммолар каторида олиб борилган кредит экспансияси сиёсати натижасидаги банк тизимида глобал ликвидлилик муаммоси муҳим ўрин эгаллайди. Таниқли молиявий шарҳловчи Эмброса Эванса

Притчарднинг таъкидлашича Европа банклари нормал даражага чиқиши учун қарийиб 7 триллион евро миқдордаги берилган кредит ресурсларини қайтариб олиши лозим. Банкларнинг ушбу маблағлари таркибида давлат облигацион заёмларига қўйималар хажми ҳам сезиларли салмоқни ташкил этади.

9. Жаҳон молия бозори капиталлашув даражасининг ортиши ва унда юқори рискли активлар билан керагидан ортиқ даражада тўйиниши ушбу юқори рискли активлар бўйича операциялар устидан мавжуд назорат тизимини кучли таъсир кучига эга бўлмади.

10. Давлатлар томонидан олиб борилган қарз сиёсати ва унинг натижасида қарздорлик муаммосининг авж олиши.

11. АҚШ долларининг 2002-2008 йиллардаги қадрсизланиши, аксарият мамлакатларда унинг резерв валюта сифатидаги статусининг пасайишига олиб келди ва ҳатто айрим мамлакатлар халқаро ҳисоб китобларда алтернатив валюта ҳақида қарор қабул қилиш ҳолатларини кузатилишига олиб келмоқда.

12. Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиёти ва ҳар бир мамлакатларда иқтисодий мувозанатни сақлашга қаратилган молиявий сиёсат асосан глобал талаб ва таклифни рағбатлантиришга йўналтирилган. Лекин, олиб борилаётган молиявий сиёсат глобал иқтисодий ўсишни таъминлашда жиддий таъсир кучига эга бўлмаяпти.

Дастлаб бу чора-тадбирлар 2009-2010 йилларда маълум натижа бергандек бўлди. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатларининг пасайиши тўхтатилди, айрим мамлакатларда ишлаб чиқариш ўсди, инвестицион фаоллик жонланди. Бироқ, ушбу чора-тадбирлардаги ўзаро мутаносиблик даражасининг пастлиги, инқирозга қарши курашиш йўллари ва воситаларини қўллашдаги изчилликнинг йўқлиги уларнинг самарасини кескин пасайтириб юборди, аксарият ҳолларда қўзланган натижаларга эришиш имконини бермади.

2011 йил инқирознинг иккинчи тўлқини бошланиши эҳтимоли билан боғлиқ бозор ваҳималарининг қайтадан кучайиш даври бўлди. Айниқса, евроҳудуддаги қарздорлик инқироzi чуқурлашиб, унинг банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторига тарқалиши кузатилди. Европа сиёсатчилари яқдил бир қарорга келишда сусткашлик ва лаёқатсизликни намоён этишда давом этдилар.

Умуман Европа иттифоқида молиявий-иқтисодий инқирознинг кучайиши қуйидагилар билан бевосита боғлиқдир:

Дастлаб Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар молия тизимини(банк,солиқ ва бюджет тизими) тизимли назорат қилувчи органлар шакллантирилиши зарур эди. Шундан сўнг умумий кредит-пул тизими жорий этилиши зарур эди. Ҳозирги шароитда Еврокомиссия ва Европа марказий банки(ЕМБ) Евроҳудуд иқтисодиёти ва молия тизимини реал бошқариш имкониятига эга бўлмаяпти. Натижада унинг еврони миллий валюта сифатида қабул қилган мамлакатлардаги молиявий ҳолатни назорат қилиш имконияти мавжуд эмас.

ЕМБ томонидан олиб борилаётган сиёсат ҳам асосан евроҳудуд таркибидаги кучли мамлакатларга қаратилган. Бошқа мамлакатларнинг эҳтиёжлари ва ривожланиш хусусиятлари умумий қарор қабул қилишда таъсир кучига эга бўлмади. “Заиф бўғин” ҳисобланган мамлакатлар Еврокомиссия томонидан эълон қилинган шартларни тўлиқ бажариш имкониятига эга эмас эдилар. Натижада ушбу мамлакатлар бюджет мувозанатини таъминлашга йўналтирилган ЕИ қоидаларини буза бошладилар. Масалан, Греция евроҳудудга аъзо мамлакатлар томонидан имзолаган “Барқарорлик Пакти”, Бюджет интизоми бўйича белгиланган чегарадан четга чиқа бошлади. Масалан, ушбу барқарорлик пактига биноан давлат қарзларига белгиланган чегаравий мезонлар ЯИМга нисбатан 60% қилиб белгиланган эди.

## 1-жадвал

### Жаҳоннинг айрим мамлакатларида давлат қарзларининг ҳолати тўғрисида маълумот<sup>23</sup>

№	Мамлакатлар номи	ЯИМга нисбатан Давлат қарзлари, %да	Ахборот тегишли йил
11.	Япония	220,90	2015
12.	Греция	175,30	2015
13.	Италия	126,10	2015
14.	Португалия	119,70	2015
15.	Ирландия	118,00	2015
16.	Франция	89,10	2015
17.	Буюк Британия	88,70	2015
18.	Испания	83,20	2015
19.	Германия	80,50	2015
20.	АҚШ	105,40	2015

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, танланма кузатиш ўтказилаётган 10 мамлакатларда давлат қарздорлиги ЯИМга нисбатан 60%дан ортиб кетган. Маастрихт мезонлари бўйича давлат қарзлари ЯИМга нисбатан 60%дан ортиб кетмаслиги тавсия этилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзлари ҳамда уни бошқариш аксарият ривожланган мамлакатлар олдидаги долзарб муаммо сифатида майдонга чиқмоқда.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, аксарият мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги кузатилмоқда. Айниқса ҳозирги кунда Евроҳудуд таркибидаги мамлакатларда давлат молияси билан боғлиқ долзарб муаммоларда бюджет тақчиллиги муаммоси тобора кескинлашиб бормоқда. Хусусан, Италияда (-5,6%), Францияда (-5,8%), Буюк Британияда (-8,8%), Испанияда (-8,5%), Грецияда (-9,6%), АҚШда (-8,9%) бюджет тақчиллиги ўртача меъерий даражадан ортиб кетган (Маастрихт мезонлари бўйича ўртача меъерий даража 3%ни ташкил этади).

Бюджет тақчиллигининг ортиши ва уни ўсиб бориши аксарият мамлакатлардаги давлат қарзларининг тобора кўпайиб боришига олиб келмоқда.

<sup>23</sup> www.Vesti.ru

Давлат харажатларини қисқартириш иқтисодиётдаги умумий ўсишни секинлашувига олиб келди (Грецияда 100000 корхона ёпилди, қарийиб 30% аҳоли ночор, Иқтисодий ўсишнинг пасайиши аксарият европа мамлакатларида ишсизликни 10%дан ортишига олиб келди).

Греция 2010 йил апрел ойида содир бўлиши кутилган дефолт қутулиш мақсадида Европа комиссиясига мурожат қилди. Европа комиссияси, ЕМБ ва ХВФ 240 млрд евро миқдоридagi кредитни тақдим этиш мажбуриятини олди. Бунинг учун Греция ҳукумати олдига бюджетни иқтисод қилиш сиёсатини олиб бориш бўйича қаттиқ шартлар белгилади. Пировард натижада уй хўжаликлари иқтисодига жиддий таъсир кўрсатди.

## 2-жадвал

### Жаҳоннинг айрим мамлакатларида бюджет ҳолати тўғрисида маълумот<sup>24</sup>

№	Мамлакатлар номи	ЯИМга нисбатан %да	Ахборот тегишли йил
10.	Германия	- 1.70	2018
11.	Италия	- 5.60	2018
12.	Канада	- 3.80	2018
13.	Қирғизистон	- 5.10	2018
14.	Франция	- 5.80	2018
15.	Испания	- 8.50	2018
16.	Буюк Британия	- 8.80	2018
17.	АҚШ	- 8.90	2018
18.	Греция	- 9.60	2018

Европа иттифоқи мамлакатларида олиб борилган кредит экспансияси сиёсати натижасида банк тизимида глобал ликвидлик муаммоси вужудга келтирди. Таниқли молиявий шарҳловчи Эмброса Эванса-Притчарднинг таъкидлашича европа банклари нормал даражага чиқиши (АҚШ ва Япония банклари даражасига) учун қарийиб 7 триллион берилган кредитларини қайтариши лозим).

Европада молия тиимининг муҳим бўғини ҳисобланган давлат молияси тизимидаги долзарб муаммолар кескинлашиб бораётган бир пайтда АҚШ молия тизимида ҳам таназзулли ҳолатлар бошланди. Ушбу ҳолат ўз навбатида молия-кредит тизимини тартибга солиш соҳасида адекват стратегияни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатиб берди. Юқри даражадаги давлат харажатлари ва юқори даражадаги бюджет тақчиллиги шароитида давлат қарзларининг миқдори кескин ортиб борди. Хусусан, 2015 йил учун белгилаган лимит 16,4 трлн. доллар қилиб белгиланган бўлиб, ушбу кўрсаткични имкон даражасида узоқ давр ушлаб туришга йўналтирилган Барак Обаманинг дастури амалга оширилиши АҚШ иқтисодиётида ўзига хос бўлган “Фискал жарлик” эҳтимолли ҳолати бўлишини башорат қилина бошлади.

<sup>24</sup> www.Vesti.ru

Фискал жарлик (“Fiscall cliff”) — АҚШ бюджет секторидаги ҳолат шундай номланмоқда. Яъни 2013 йилдан автоматик рашвида солиқларнинг ортиши ва харажатларнинг қисқартирилиши кутилмоқда ушбу тадбирларнинг умумий суммаси 600 млрд. долл.ни ташкил этади. Ҳозирги экспертлик марказларининг эътироф этишича Америка иқтисодиёти 0,5%га пасайиши мумкин экан.

Агар Барак Обама томонидан таклиф этилган дастур амалга оширилса куйидаги ҳолатларнинг кутилиши эҳтимол қилинди:

5. Кейинги 3 йил моайнида сақланиб қоётган ЯИМга нисбатан 8,3% ишсизликнинг 9,1%на кўтарилиши.

6. 1,7%га ўсиши кутилаётган ЯИМнинг 0,5%га пасайиши.

7. Солиқларнинг ўсиши ва бюджет харажатларининг қисқариши истиеъмол талабига салбий таъсир этади.

8. Бюджет тақчиллигини 3%гача қисқартириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида тескари тенденция яъни 5,5-8,5%гача ўсиши кутилиши мумкин.

#### **4.Молиявий сиёсат ва унинг турлари**

Молиявий сиёсат – бу молиявий ресурсларни жамлаш, уларни давлатнинг ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун тақсимлаш ва ишлатиш шакл ҳамда усулларида тизимли намоён бўлувчи тадбирлар йиғиндисиدير.

Молиявий сиёсат – бу давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, молиявий ресурсларни (манбаларни) жалб этиш, уларни тақсимлаш, ишга солиш ва фойдаланишга давлат орқали йўналтирилган барча чора-тадбирлар йиғиндисиدير.

Молия - иқтисодий категория ҳисобланади. Чунки, унинг моддий асосини такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги пул айланиши ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай молиявий сиёсат амалга оширишидан қатъий назар ишлаб чиқариш манфаатлари, унинг узлуксиз давом этиш конуниятларини бузмаслиги лозим.

Молиявий сиёсатнинг муҳим вазифаси – у ёки бу иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат режасини ёки чора-тадбирларини амалга ошириш учун тегишли молиявий ресурслар билан таъминлашдир. Бу сиёсат иқтисодий сиёсатга боғлиқ аммо бу молиявий муносабатлар соҳасида давлатнинг мустақил фаолият кўрсатадиган соҳаси. Молия сиёсати мустақил хусусиятга эга бўлиш билан бир вақтда давлат сиёсатини ҳар қандай исталган ижтимоий фаолиятни амалга ошириш учун хоҳ ижтимоий, хоҳ иқтисодий, ёки халқаро муносабатлар доирасида муҳим воситадир.

Молиявий сиёсат куйидаги муҳим бўғинларни ўз ичига олади:

а) молиявий муносабатларни ривожлантиришнинг илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқиш.

б) истиқболда ва жорий давр мобайнида молиядан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш.

в) қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган амалий хатти-ҳаракатлар, чора-тадбирлар кўриш.



Хал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг характериға, мураккаблиғига ва даврини узоқлиғига қараб, молиявий сиёсат:

1. Молиявий стратегия.
2. Молиявий тактикаға бўлинади.

Молиявий стратегия – ижтимоий ва иқтисодий стратегияни белгилаб берган узоқ истиқболға мулжалланган ва йирик масштабдаги вазифаларни бажаришға қаратилган бўлиб, у молия ривожланишининг асосий концепцияларини ишлаб чиқиш, молиявий муносабатларни ташкил этиш тамойилларини белгилашни кўзда тутди.

Молиявий тактика – стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида молиявий муносабатларни ташкил этиш усуллари орқали амалға оширади.

#### **Ўз-ўзини баҳолаш саволлари:**

6. Молиянинг ижтимоий – иқтисодий мазмуни нималардан иборат?
7. Молия тизими вау бўйича илмий қарашлар нималардан иборат?
8. Молия тизими қандай бўғинларни ўз ичига олади?
9. Молиянинг ривожланиши неча даврга бўлинади?
10. Молиявий сиёсат ва унинг турларини айтиб беринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 7 феврал.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларға тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришға оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Тошкент шаҳри, 2017 йил 13 декабрь

8. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалға оширишға оид Давлат дастури // <https://regulation.gov.uz/ru/document/1678>.

9. Боди З., Мертон Р. Финансы.: Пер. с англ.: Уч. Пос.- М.: «Вильямс», 2008.

10. Gadoev E.F., Qurbonov X.A. Moliya. - T. O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005.- 189 б.

**2- амалий машғулот:**  
**Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар**  
**шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг**  
**устувор йўналишлари (4 соат)**

---

**СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ**

**✎ Муҳокама учун саволлар**

- 2.1. Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар.
- 2.2 . Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари

**Ишдан мақсади:** Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари бўйича тингловчиларининг билимларини мустаҳкамлаш.

**Ў қ у в ф а о л и я т и н а т и ж а л а р и:**

**Тингловчилар биладилар:**

- ✓ Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотларни;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишларини;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишларини;

**Масаланинг қўйилиши:**

Мавзу бўйича маъруза машғулотларида кўриб ўтилган назарий масалалар асосида амалий машғулотда тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, параграфлар кесимида жамоавий мулоҳазаларни шакллантирадилар.


**Тингловчилар уддалайдилар:**

- ✓ Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотларни таҳлил қилиш ва хулосаларни шакллантириш;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишларида белгиланган вазифаларни ижросини таҳлил қилиш;
- ✓ мавжуд таҳлилий материаллар асосида Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишларини яқин истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини шакллантириш;

## Кичик гуруҳларда ишлаш қоидаси

1. Тинловчилар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Асосий қоида: Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намойён этинг.

### «Нима учун?» техникаси



### Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллигини 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло»; 12 – 10 балл – «яхши»; 9 – 6 балл – «қониқарли».

### Эксперт қоғозлари - топшириқлар



## **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:**

**Топшириқ 1. Замонавий шароитларда ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимининг хусусиятларини ўрганиш.**

**Иш мазмуни:** АҚШ, Европа, Япония давлатлари давлат молияси тизими, бюджет тузилмаси ва улардаги бюджет жараёнини ўрганиш.

**Топшириқ 2. Молиявий сиёсат ва унинг турларини тавсифлаш.**

**Иш мазмуни:** Классик тавсифдаги молиявий сиёсат, тартибга солувчи ва режали-директив тавсифдаги молиявий сиёсат турларини солиштириш ва таҳлил қилиш натижасида умумий хулосалар шакллантирилади.

**Топшириқ 3. Фискал сиёсатнинг турлари ва уларнинг иқтисодиётни циклик ривожланишидаги асосий мақсадлари нималардан иборат ?**

**Иш мазмуни:** Дискрецион фискаль сиёсат, ноэскрецион фискал сиёсат инструментларидан иқтисодиётнинг циклик ривожланиш даврида фойдаланиш хусусиятларини тушуниб етадилар. Замонавий шароитлардаривожланган мамлакатлар ва миллий бюджет тизимига баҳо берадилар.

**2- МАВЗУ. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислох қилишнинг устувор йўналишлари.**

### **Режа**

- 1. Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар.**
- 2. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари.**
- 3. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари.**

### **1. Мустақиллик йилларида молия тизимидаги ислохотлар<sup>25</sup>.**

Ижтимоий иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олиш ҳозирги иқтисодиётни ислох қилиш стратегиясининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделининг жаҳон иқтисодий ва молиявий ҳамжамияти томонидан сўзсиз тан олиншининг асосий сабаблари мустақиллик йилларида мамлакатимиз еришган ютуқларнинг замирида ётади. Мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ва молия тизимини ислох қилиш 3 асосий босқичда амалга оширилди.

**Биринчи босқич** мустақилликка еришганимиздан бошлаб 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олиб, миллий давлат молияси тизимининг шаклланиш даври бўлиб ҳисобланади. Бу босқич миллий даромаднинг катта қисмининг давлат бюжетида мужассамлаштирилиб, миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги етакчи ўрни билан тавсифланади.

---

<sup>25</sup> Ушбу параграфни тайёрлашда А.В. Ваҳобов, Т.С. Маликовлар томонидан тайёрланган “Молия: умумназарий масалалар” номли ўқув қўлланмасининг 2-боби материаларидан фойдаланилди.

Бу даврда солиқ ва бюджет сиёсати миллий иқтисодиёт пойдеворини шакллантиришга, ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ривожлантиришга ва самарали ижтимоий ҳимоя тизимини яратишга қаратилган еди. Айниқса, Ўша пайтда Россияда Ўтказилаётган “шок терапияси” сиёсати сабабли ижтимоий зарур товарларнинг нархи кескин ошиб кетганлиги оқибатларининг олдини олиш тадбирлари бюджет сиёсатининг энг долзарб масалаларидан бири бўлган еди. Жумладан ун, шакар, гўшт, сут, чой, гуруч ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик бўлган товарлар учун Давлат бюджетидан катта миқдордаги дотацияларнинг ажратилиши билан истеъмол нархларининг кескин ошишининг олди олинди, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг еҳтиёжлари қондирилди ва жамиятда ижтимоий барқарорлик ва аҳиллик сақлаб қолинди.

**Иккинчи босқич** 1994-1999 йилларни Ўз ичига олиб, солиқ ва бюджет тизимининг барқарорлашуви ва таркибий жиҳатдан ривожланиши, ҳамда бюджет ижросининг халқаро андозаларга Ўтилганлиги билан тавсифланади. Бунда бюджет ижросининг миллий валюта-сўмда амалга оширилиши ва Солиқ кодексининг (1998) қабул қилиниши натижасида давлат молияси тизими моҳияти жиҳатдан янги мазмун ва шаклга ега бўлди.

Солиқ сиёсатининг фундаментал масалалари бўлган солиқ турлари ва ставкалари, умумдавлат ва маҳаллий солиқлар классификацияси, солиққа тортиш услубиятининг асослари ва бошқа умумиқтисодий масалалар Солиқ кодексида аниқ ва равшан белгилаб берилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси халқаро экспертлар чиғириғидан Ўтган замонавий солиқ сиёсатининг барқарор ҳуқуқий пойдеворига ега бўлди.

Ўз навбатида Солиқ кодексида миллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор имтиёзлар белгилаб берилди. Бу имтиёзлар қуйидаги мақсадларга қаратилди:

- ички бозорда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- қўшилган қиймат солиғидан озод етиш ва ягона ер солиқини жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги алоҳида Ўрнини таъминлаш;
- солиқ тизими орқали кичик ва Ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш;
- хорижий сармояларни жалб қилиш учун қулай молиявий шарт-шароит яратиш ва бошқалар.

Давлат бюджетининг харажатлари нуқтаи назардан қарасак давлат бюджетининг таркиби такомиллаштирилди, харажатларнинг ижтимоий йўналганлиги кучайди, кўплаб турдаги харажатларни дастурлар асосида молиялаштиришга Ўтилди, маҳаллий бюджетларнинг роли йилдан йилга ортиб бормоқда ва бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ноинфляцион услублари амалга тадбиқ етилиб йиллар мобайнида уларнинг салмоғи ортиб борди.

**Учинчи босқич.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ ХИВ сессиясидаги ва иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузаларида белгилаб берилган

жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларини еркинлаштиришга қаратилган бош стратегияси давлат молияси ривожининг учинчи босқичини бошлаб берди.

Шунга биноан, солиқ ва бюджет сиёсатининг истиқбол ёналишлари деб қуйидагилар белгилаб олинди:

- иқтисодиётда давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш;

- инфляцияни босқичма-босқич камайтириш ва уни йилига 5-8% гача тушириш;

- аҳоли даромадларининг узлуксиз ошишини таъминлаш;

- аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тадбирларини изчан амалга ошириш;

- соғлом ва илғор ёш авлодни тарбиялаш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар.

Шуларга биноан, 2000 йилнинг ўзидаёқ, солиқ сиёсатига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Хусусан, юридик шахслар учун фойда (даромад) солиқи ставкаси 33% дан 31% га, аҳоли даромадларига солиқнинг енг юкори ставкаси 45 фоиздан 40 фоизгача пасайтирилди.

## **2. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари.**

Ўзбекистон Республикаси молия тизими қуйидги бўғинларни ўз ичига олади:

1. Умумдавлат молияси.

2. Мулкчиликнинг турли шакларида фаолият юритувчи иқтисодий субъектлар молияси.

Давлат молияси - кенгайтирилган ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган миллий даромадни тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини ўз ичига олади.

Давлат молиясининг моҳияти ва унинг роли ва мақсадлари давлатларни бажарадиган функциялари, ишлаб чиқариш усуллари, ишлаб чиқариш муносабатлари хусусиятлари билан белгиланади.

Давлатларнинг пайдо бўлиши билан молиянинг пайдо бўлишини объектив шарт-шароитлари давлатларнинг жамият иқтисодий тизимидаги ўрни ва унга тегишли булган функцияларида намоён бўлади.

Давлатларнинг иқтисодий роли:

- жамият иқтисодий тизимида мулкчилик муносабатларини ислох қилиш;

- институционал ўзгаришлар;

- иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий тенглик меъёрларини таъминлашдан иборатдир.

Ана шундай давлатларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ролини амалга ошириши учун йирик миқдордаги молиявий ресурсларга эҳтиёж

сезади ва бундай молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш жараёни давлат молиясининг мазмунини англатади.

Давлат молияси давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазибаларини бажариши учун зарурий пул маблағлари билан таъминлашга йўналтирилган мамлакатнинг молия тизимини муҳим бўғинидир. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра давлат молияси ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёрида пул фондларини шакллантириш ва мазкур давлатнинг пул фондларидан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича харажатларга, жамият аъзоларининг ўиб бораётган ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондиришга, мудофаа ва бошқариш соҳаларини молиявий таъминлаш бўйича давлат эҳтиёжларни қондиришга ишлатиш билан боғлиқ макроиқтисодий муносабатлар тизимидир. Давлат молиясининг ўзига хос хусусияти шу билан белгиланадики унда қатнашувчи субъект сифатида давлатнинг ўзи майдонга чиқади.

**Давлат молиясининг асосий бўғинлари** қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджети;
- бюджетдан ташқари фондлар;
- давлат кредити муносабатлари;
- давлат корхоналари молияси.

Юқорида санаб ўтилган давлат молияси бўғинларининг функционал вазибалари ёрдамида давлат иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг кенг спектрларига таъсир қилади, тармоқ ва худудий муаммоларни ҳал қилиш имкониятларига эга бўлади.

Маҳаллий молия маҳаллий давлат ҳокимияти органлари молиявий ребсурслари фондини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини ўзида ифодалайди. Маҳаллий молиянинг муҳим бўғинини маҳаллий бюджетлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Парламентга йўллаган мурожаатида бюджет тизимини қайта кўриб чиқиш, бюджет даромадлари ва харажатларининг ошқоралигини таъминлаш, бюджет соҳасида қарорлар қабул қилишда аҳолининг манфаатларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланган эди. Ўтган йилда жойлардаги давлат бошқарув органларининг маҳаллий бюджетларни шакллантиришдаги ваколатларини, уларнинг маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш ва захираларини аниқлашдан манфаатдорлиги ва жавобгарлигини ошириш, шунингдек шаффофлик ва бюджет жараёни устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш ва бюджет интизомини мустақамлаш ҳамда Давлат бюджети барқарорлигини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар қабул қилинди. Шу билан бирга, амалдаги давлат молияси тизими замонавий талабларга жавоб бермайди ва олиб борилаётган бюджет сиёсати, ўрта муддатли даврда қабул қилинган давлат дастурлари билан боғлиқ бюджет харажатларига объектив ва ишончли баҳо беришга имкон бермайди, бюджетни режалаштиришнинг халқаро эътироф этилган усуллари кам жорий этилади. Биринчидан, бюджетдан ажратиладиган маблағлар билан

ривожлантириш дастурлари ўртасида боғлиқлик йўқ, бюджет маблағлари бюджет ресурсларини қайта тақсимлаш механизмларининг паст даражада расмийлаштирилиши ҳамда молиялаштириладиган тадбирлар ва йўналишларни танлашнинг аниқ мезон ва тартиблари мавжуд бўлмаган шароитда ўтган йиллардаги бюджет маблағларини индексация қилиш асосида тақдим этилади. Бюджетни режалаштиришнинг амалдаги тизими йиллик бюджетнинг баланслашган ижросига йўналтирилган. Бироқ макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, солиқ-бюджет сиёсатининг олдиндан кўра билиш нуқтаи назаридан йиллик режалаштиришнинг салоҳияти жуда чекланган. Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар ўзларининг истиқболли режаларини режалаштирилган йилдан ортиғига прогнозлаштира олмайди. Йиллик режалаштиришда фискал интизомнинг режалаштирилган натижаларга яқинлашишига эришиш мумкин. Бироқ бундай фискал интизомнинг фойдаси йиллик давр билан чегараланади. Даромадлар ва харажатлар қисмида йиллик режалаштирилган бюджетни бажариш, лекин охирида ўрта муддатли даврда дефицитга дуч келиш мумкин. Бу ўрта муддатли макроиктисодий прогнозларнинг ва уларнинг бюджет даромадларига таъсирини баҳолашнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Бюджетни режалаштиришда жорий бюджетнинг Давлат ривожланиш дастурлари билан боғлиқлиги кучсизлигича қолмоқда. Ушбу дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар (янги иншоотларни куриш, фойдаланишга мўлжалланган ускуналарни етказиб бериш) фойдаланишга топширилганидан кейин уларни жорий сақлаш харажатларини талаб қилади. Бироқ йиллик бюджетни режалаштиришда янги объектларни фойдаланишга топшириш бюджет прогнози билан мувофиқлаштирилмаганлик ҳоллари ҳам мавжуд, яъни уларни жорий сақлаш харажатлари ҳисобга олинмайди. Бюджет маблағларини шакллантириш ва ижро этишда бюджет маблағлари тақсимловчиларининг ваколати ва, тегишлича, масъулияти чекланган. Бюджетни бошқариш, асосан, ҳақиқатдаги ва режалаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилишини назорат қилади, бу эса бюджет маблағларидан фойдаланишнинг якуний натижаларини ва аниқ мақсадларини, шунингдек, вазирлик ва идоралар – бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг амалга ошириладиган дастурлари баҳолаш мезонларини аниқ ифодаламайди. Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлиги устидан ички аудит тартиб-таомиллари ва методологияси мавжуд бўлмаган ҳолда, касса харажатларининг режали кўрсаткичларга мувофиқлиги устидан ташқи назорат устунлик қилади. Иккинчидан, бюджетни режалаштириш давлат молия тизимининг бўлинганлиги ҳисобига макроиктисодий тартибга солишнинг самарали воситаси бўла олмайди. 36 та вазирлик ва идораларнинг ЯИМга нисбатан 1,5 фоизга яқин бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари, шунингдек ҳисобланган ЯИМга нисбатан 2 фоизга яқин халқаро молия институтлари ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари маблағлари консолидациялашган Давлат бюджетида акс эттирилмайди. Учинчидан, Давлат бюджетини шакллантиришнинг амалдаги механизмлари ҳудудий



ривожланишнинг барча муаммоли масалаларини камраб олиш имконини бермайди. Кўп йиллар давомида Давлат бюджетидан қишлоқ жойлардаги муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш, шу жумладан, уларни ичимлик суви билан таъминлаш ва қишлоқ йўллари куриш учун етарлича маблағ ажратилмаган, бу олис ва бориш қийин бўлган жойларда яшовчи аҳоли турмуш даражасига ўз таъсирини кўрсатди. Бюджетни режалаштиришнинг ҳаддан ташқари марказлашуви туфайли хуудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органларининг шахсий масъулият хисси сезилмайди, харажатларга оид мажбуриятлари бўйича қарорлар молиялаштириш имкониятини ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилинади. Бугунги кунга қадар маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва ижро этиш соҳасида ижро этувчи бошқарув органлари раҳбарларининг аҳоли ва халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобот беришлари етарли даражада эмас.

Тўртинчидан, Давлат бюджетини тузиш, режалаштириш ва ижро этиш жараёнида бюджет жараёнининг ошкоралигини таъминлашда инновацион механизмлар ва ёндашувлар жорий этилмаган. Технологик инфратузилманинг ривожланишига қарамасдан, бюджет жараёнининг тўлиқ автоматлаштирилмагани, вақт ва ресурсларни ортикча сарфлаш каби ноқулайликларга олиб келмоқда. Бешинчидан, давлат қимматли қоғозлар бозори, унинг инфратузилмаси ва бошқа замонавий воситалар йўқлиги Давлат бюджети дефицитини қоплаш ва мақсадли давлат дастурларини молиялаштириш учун инфляциясиз манбаларни сафарбар қилиш имконини бермайди.

Олтинчидан, амалдаги пенсия тизими фуқароларни қариликда ижтимоий ҳимоя қилиш учун энг қулай шароитлар яратмайди, пенсия миқдорини белгилаш тартиби фуқароларни суғурта бадалларини тўлаш учун рағбатлантирмайди, пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнатга қўшадиган ҳиссаси ўртасидаги боғлиқлик паст, пенсия тўловлари юки ошади, иш берувчи ва ишчи ўртасида Пенсия жамғармасига мажбурий бадаллар тўлаш бўйича жавобгарликлар аниқ тақсимланмаган. Шу муносабат билан, давлат молияси тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бюджетни режалаштиришнинг халқаро эътироф этилган усулларини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва фуқароларни давлат молиясини бошқаришга жалб қилиш орқали бюджет тизимини ислоҳ қилиш зарур.

**1-жадвал.**

**Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари тўғрисида  
маълумот, млрд. сўм**

<b>Асосий бюджет кўрсаткичлари</b>	<b>2017 yil</b>	<b>2018 yil</b>	<b>2019 yil</b>
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	44469,6	62229,5	102627,6
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	10674,2	12805,4	29125,5
Билвосита солиқлар	24285,4	33404,3	47029,8

Ресурс солиқлари	6049,5	9714,5	16906,8
Бошқа даромадлар	4360,5	6305,3	9566,3

Прогноз кўрсаткичларининг ўсиш суръатини 2-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки кейинги 3 йил мобайнида давлат бюджети даромадлари таркибида юқори ўсиш суръати бевосита солиқларда кузатилмоқда (7.2-жадвалга қаранг). Биргина 2018 йилга нисбатан 2019 йилдаги ушбу солиқлардаги йиллик ўсиш суръати 227,4 %ни ташкил қилган. Натижада ушбу солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли ортиб бормоқда.

## 2-жадвал

### Давлат бюджети даромадлари тўғрисида маълумот

	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Давлат бюджети даромадлари, млрд сўм	21295,8	26223,2	31729,6	36184,9	40505	44469,6	62229,5	102627,6

Демак, 2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, давлат бюджети даромадлари номинал мазмунда 2012 йилга нисбатан 2017 йилда қарийиб 2 баробардан кўп миқдорда ошиб бормоқда. 2017 йилга нисбатан 2019 йилги прогноз кўрсаткичи шам 2 баробардан кўп ортиб бормоқда.

3-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жами жамланма бюджет даромадлари 2019 йилда 102627,6 млрд. сўмга прогнозлаштирилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб 182741,8 млрд. сўмга етиши прогноз қилинган. Давлат бюджетининг 2021 йилги прогноз кўрсаткичи 154185,5 млрд. сўмни ташкил қилиши прогнозлаштирилган.

## 3-жадвал

### Давлат бюджетининг 2019-2021 йилга ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари


т/р	Манбалар номи	2019 йил прогноз	Давлат бюджетининг мўлжал кўрсаткичлари	
			2020 йил	2021 йил
1.	Жами жамланма бюджет даромадлари	121830,0	149978,9	182741,8
2.	Давлат бюджети даромадлари	102627,6	126163,5	154185,5
3.	Давлат мақсадли жамғармалар даромадлари	19202,4	23815,4	28556,3
4.	Жами трансфертлар	5001,2	9870,0	11350,0

“Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси”нинг IV бўлим, 9-боб, 50-моддасида давлат бюджети даромадларини шакллантириш тартиби ва манбалари белгиланган. Хусусан, давлат бюджети даромадлари:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар;
- мерос, ҳада ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини ва чет давлатларга ажратилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади<sup>26</sup>.

Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш самарадорлиги ва барқарорлиги амалга оширилиши кўзда тутилган харажатлар ижросининг моддий асосини ташкил этади. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари давлат томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг том маънодаги ифодасини ўзида акс эттиради.

Давлат бюджетининг асосий вазифаси давлатнинг фискал сиёсати мазмунини ва йўналишларини ўзида ифода этади. Кенгроқ маънода айтганда, давлат бюджетининг асосий вазифаси миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, иктисодиётни тартибга солиш ва рағбатлантириш, ижтимоий сиёсатни молия билан таъминлаш, мамлакатнинг марказлаштирилган пул жамғармаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат килиш ҳисобланади.



<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 50 модда.

## 1-расм. Ўзбекистонда давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг хусусиятли жиҳатлари<sup>27</sup>.

Замонавий шароитларда давлат бюджети даромадларини шакллантириш ва унинг нисбатларини такомиллаштириш аввало мамлакатдаги макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг янги курси шароитида давлат бюджети миллий даромадни бюджет канали орқали қайта тақсимлашнинг муҳим молиявий манбаи ролини бажариши талаб қилинади.

Давлатнинг фискал сиёсати иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасига таъсирини мувофиқлаштириш зарур. Чунки, бюджет фақат маблағларни марказлаштириш, уларни тўплаш, жамғаришгина эмас, балки тўпланган молиявий ресурсларни оқилона сарфлашни ҳам ўзида ифодалайди. Бунинг самарадорлиги эса давлат бюджетиинг аражалари тизимида ўзининг ифодасини топади.

Давлат бюджети харажатларининг таркибидаги ижтимоий-маданий тадбир харажатлари йил сайин ошиб борган. Кейинги 3 йил мобайнида жами бюджет харажатларининг таркибида ижтимоий соҳага қилинаётган харажатлар номинал мазмунда ортиб борган. Хусусан, 2017 йилда 27119,0 млрд. сўмни, 2019 йилда эса 58012,1 млрд. сўмни ташкил қилиши кўзда тутилган. Ушбу ҳолат ўз навбатида, жаҳондаги барча давлатлар орасида энг юқори кўрсаткични ташкил этадики, ўз навбатида Республикамизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг узок, стратегик аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир.

Иқтисодиёт харажатлари эса 2017 йилда 5082,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, жами бюджет харажатларида 10,8 фоизни ташкил этган. 2017 йилга келиб ушбу харажатларнинг жами давлат бюджети харажатларидаги салмоғи 13,2 %ни ташкил этиши кўзда тутилган. Ушбу харажатлар номинал мазмунда кескин ўсиб борган.

### 4-жадвал

#### Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби<sup>28</sup>

Кўрсаткичлар	2017 yil		2018 yil		2019 yil	
	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%
Давлат бюджети харажатлари, млрд. сўм	46943,1	100	62170	100,0	107118,1	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари	27119,0	57,7	35034,1	56,4	58012,1	54,2
Иқтисодиёт харажатлари	5082,3	10,8	6957,8	11,2	14099,8	13,2
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	2450,0	5,2	3047,6	4,9	3960,2	3,7

<sup>27</sup> Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

<sup>28</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, органлари харажатлари	1524,2	3,2	2417,5	3,9	4068,3	3,8
Бошқа харажатлар	10767,6	22,9	14713	23,7	26977,7	25,2

Марказлаштирилган инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш учун 2017 йилда 2450,0 миллиард сўм, 2018 йилда 3047,6 млрд. сўм, 2019 йилда эса 3960,2 млрд. сўм, ташкил этиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда бюджет инвестицияларининг ҳам аҳамияти юқориликдан далолат беради.

Юқоридаги жадвалдаги бюджет харажатлари бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида ифода этиб, унда табиий равишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари устувор экани кузатилмоқда. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий нафақалардан ташкил топган. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари мисолида кўришимиз мумкин.

Ушбу харажатларнинг таркибида таълим, соғлиқни сақлаш, оилаларга ижтимоий нафақалар асосий салмоққа эга бўлмоқда. Хусусан, таълим соҳасига қилинаётган бюджет харажатлари 2017 йилда 16386,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 19504,3 млрд. сўмга прогноз қилинган. Жами бюджет харажатларида таълим тизимига қилинаётган харажатлар 2018 йилда 56,4%ни ташкил қилмоқда.

#### 5- жадвал

#### Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлар таркиби<sup>29</sup> (прогноз)

Кўрсаткичлар	2017 yil		2018 yil		2019 yil	
	Млрд сўм	%	Млрд сўм	%	Млрд сўм	%
<b>Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари</b>	26769,0	100	34664	100	50334,1	100
Таълим	16386,1	61,4	19504,3	56,4	28394,3	56,4
Соғлиқни сақлаш	6882,9	25,7	9562,0	27,6	12078	24,0
Маданият ва спорт	481,1	1,7	1165,4	3,6	1690,1	3,4
Илм-фан	278,1	1,0	389,3	1,2	801	1,6
Оилаларга ижтимоий нафақалар	2506,9	9,3	3150,8	9,7	5167,2	10,3

Солиқликни сақлаш харажатлари ижтимоий соҳа харажатларининг қарийиб чорак қисмидан юқори салмоғини ташкил қилмоқда.

<sup>29</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.



Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари ҳам ушбу тукркум харажатларида сезиларли салмоқни ташкил қилмоқда.

Демак юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, миллий даромадни бюджет канали орқали қайта тақсимлашда аҳолининг кам таъминланган ижтимоий қатламларини ҳимоялаш, ижтимоий соҳалар устувор аҳамият касб этмоқда. Давлат бюджети харажатлари самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни қуйидаги расм маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

Демак, яқин истиқболда бюджет харажатларининг манзилли ва мақсадли сарфланишини тахминлаш контекстида ислохотлар амалга оширилишини талаб қилса. Ўрта муддатли истиқболда бюджет харажатларининг ижтимоий соҳа ва миллий иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш нисбатларини такомиллаштириш контекстида ислохотларни чуқурлаштириш талаб қилинади.

Давлат бюджетининг миллий иқтисодиётимиз аоҳида тармоқларини ривожланишида аҳамияти юқоридир. Бу ўз навбатида давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатларида ифодасини топади. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

Давлат бюджетидан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун харажатлар 2017 йилда жами бюджет харажатлари таркибида 10,8%ни ташкил этган. Ушбу харажатлар таркибида бошқа харажатлар асосий салмоқни ташкил этган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари жами бюджет харажатлари таркибида 2017 йилларда 3,5%ни, 2018 йилда 3,4%ни, 2019 йилда эса 3,7%ни ташкил этиши кўзда тутилган.

### Ўзбекистонда давлат бюджети харажатларини шакллантиришдаги циклик тавсифдаги муаммолар

- Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа харажатлари асосий салмоқни ташкил қилиб, бюджетга юқори даражадаги молиявий юк бўлмоқда. Жаҳон амалиётида МДни бюджет канали орқали қайта тақсимлашда даромадни яратувчи соҳалар манфаатлари нисбатан юқори даражада инobatга олинади.
- Давлат бюджети харажатларининг юқори қўлами инфляцион босимга позитив таъсир этмоқда. Лекин бюджет ташкилотларидаги иш ҳақининг оширилиши билан давлат харажатларининг оширилиги иқтисодиётдаги ялпи талабни рағбатлантириш мўлтипликатив самарага эга.
- Даромадларни прогностлаштириш ва харажатларни режалаштиришда юқори ва қуйи бюджетларга нисбатан ёндашувлар турли даражадаги бюджетлардан молиялаштириладиган муассасаларда харажатларни самарали молиялаштириш тизими билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирмоқда.
- Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий салмоғини маҳаллий бюджетларга юклатилиши уларнинг заиф даромад базаси шароитида “ликвидлилик”ни йўқолиши эҳтимоллигини вужудга келтирмоқда. Уларнинг юқори бюджетларга молиявий қарамлигига асос бўлмоқда.
- Ҳазначилик тизими шароитидаги юридик мажбуриятларни қабул қилиш ва молиявий мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга оширишнинг амалдаги механизмини “ликвидлилик”ни таъминлаш ва дефицитни бартараф қилишга йўналтирилган бўлиб, БТ харажатларини самарали ижроси контекстида такомиллаштиришни талаб қилади .

**2-расм. Ўзбекистонда давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги циклик тавсифдаги муаммолар.<sup>30</sup>**

2018 йилдан бошлаб аҳоли пунктларини бодонлаштириш, табиатни кўриқлаш ишлари, ичимлик суви тизимини ривожлантиришни бюджетдан молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

**6- жадвал**

**Давлат бюджетининг иқтисодий харажатлари таркиби, жамига нисбатан<sup>31</sup> %да**

Кўрсаткичлар	2017 yil	2018 yil	2019 yil
<b>Давлат бюджети харажатлари</b>	100	100	100
Иқтисодийга ажратилган харажатлар	10,8	10,7	13,2
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари	3,5	3,4	3,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондида мақсадли ажратмалар	0,8	0,9	-
Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар	0,8	0,9	2,5
Бошқа харажатлар	5,7	5,8	7,0

Умуман, давлат бюджетидан иқтисодий харажатлари асосан қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғида фаолият юритувчи хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Шу орқали аграр тармоқда фаолият юритувчи корхоналарни ва хусусан, фермер хўжалиқларининг барқарор фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Барчамизга маълумки кейинги йилларда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда.

Умуман хулоса қилиш мумкинки, давлат бюджетининг жами инвестициялардаги улуши камайиб бораётганлиги билан бир қаторда унинг номинал мазмундаги ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Иқтисодий таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз

<sup>30</sup> Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

<sup>31</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

## **2.8. Ўзбекистон Республикасида молия-банк тизимидаги ислохотлар ва уларнинг устувор йўналишлари.**

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг янги босқичида амалга оширилаётган таркибий ислохотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (келгуси ўринларда Марказий банк) мақсад ва вазифалари, институционал тузилиши тубдан қайта кўриб чиқилди. Пул-кредит сиёсати мантиқан янги тамойиллар асосида юритиладиган бўлди. Хусусан, мамлакатда ички нархлар барқарорлигини таъминлаш вазифаси Марказий банк фаолиятининг устувор мақсади сифатида белгиланди. Валюта сиёсати ва пул муомаласини тартибга солиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, янги воқеликда макроиқтисодий соҳада шаклланаётган шарт-шароитлар пул-кредит сиёсатида ҳам муҳим ўзгаришларнинг амалга оширилишига асос бўлди. Ўрта муддатли истикболда инфляциянинг паст ва барқарор даражаси таъминланиши макроиқтисодий мутаносибликнинг муҳим омили бўлиб, мамлакатда ижтимоий ҳолатни яхшилаш, инвестицион фаолликни ривожлантириш ва таркибий ислохотларни амалга ошириш учун зарурий шароит яратади. Ички нархлар барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз давомий пул-кредит сиёсатининг юритилиши аҳоли ва бизнес вакиллари даромадлари харид қобилиятини сақлаб қолиш, уларнинг ишлаб чиқариш, инвестиция, жамғариш ва истеъмол борасида қарорлар қабул қилишлари учун қулай иқтисодий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади. Иқтисодиётда ички нархлар барқарорлигини таъминлаш билан бирга Марказий банк томонидан мамлакатимизда банк ва тўлов тизимини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар келгусида иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаб боради

Марказий банк томонидан самарали пул-кредит сиёсати юритилиши натижасида иқтисодиётда инфляциянинг барқарор паст даражаси таъминланиши ва нархлардаги кескин тебранишларнинг олди олиниши, ўз навбатида, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва бизнес юритиш учун қулай муҳитни яратишга асосий пойдеворлардан бири бўлиб хизмат қилади. Мамлакатда ички нархлар барқарор бўлган шароитда аҳоли ва бизнес вакиллари учун иш ҳақи, нафақа ва бошқа даромадлар, шунингдек, миллий валютадаги жамғармаларнинг қадрини сақлаб қолиш имконияти мавжуд бўлади. Бу эса уларнинг қисқа ва узоқ муддатли даврлар учун харажатларни режалаштиришда ишонч ҳиссини уйғотади. Юқори инфляция даражаси аҳоли даромадларининг қадрсизланишига ҳамда жамиятда ижтимоий табақалашувнинг кучайишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, паст инфляция даражасини таъминлаш ижтимоий барқарорликнинг муҳим шarti ҳисобланади. Иқтисодиётда ички нархлар барқарорлигининг таъминланиши тадбиркорлик фаолияти учун ҳам қулай шароит ҳисобланади. Инфляция даражаси паст бўлган ҳолатда корхоналарнинг қарз олиш имкониятлари кенгайди. Юқори ва ўзгарувчан инфляция банкларнинг самарали фаолият



олиб боришлари учун ҳам ноқулай шароитларни юзага келтиради. Пул-кредит сиёсатининг ўта қатъийлаштирилиши иқтисодиётдаги инвестицион фаолликнинг сусайишига олиб келиши мумкин. Унинг асоссиз юмшатилиб, кредитлаш ҳажмларининг кескин оширилиши эса истеъмол ва инвестицион талабни рағбатлантириш билан бир қаторда инфляция даражасининг кескин ошиб кетишига ҳам сабаб бўлади. Таъкидлаш зарурки, биргина пул-кредит сиёсатининг ўзи мамлакат иқтисодий салоҳиятини барқарор оширишнинг асосий 9 манбаи бўла олмайди. Узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётда рақобат муҳитини яхшилаш, меҳнат унумдорлиги ва энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш, инфратузилмани ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг ички ва ташқи рақобатбардошлигини кучайтириш, бизнесни ташкил этиш ва юритишни енгиллаштиришга қаратилган давомли таркибий ислохотларни амалга ошириш иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар ҳисобланади. Марказий банк пул-кредит сиёсати инструментларини қўллаш орқали ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини оширишга ёки технологик ривожланишга тўғридан-тўғри таъсир қила олмайди. Бунда пул-кредит соҳасидаги чоралар асосан иқтисодиётни қисқа муддатли тартибга солиш, мавсумий ва даврий тебранишларни мувозанатлаштириш ҳамда ўсиш суръатларининг иқтисодий салоҳиятидан оғиб кетиши олдини олишга қаратилган бўлиб, қисқа муддатли таъсирга эга бўлади. Юқорида келтирилган омиллар таъсирида юзага келган бугунги макроиқтисодий шароитлар қисқа давр ичида иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг кескин ўсиши, инвестиция ҳажмлари ва истеъмол талабининг ошишини рағбатлантириб, инфляциян жараёнларнинг кучайишига олиб келганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ялпи талабнинг ошишига мос равишда таклиф ҳажмларини ошириш мақсадида янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш маълум бир даврни талаб этади, айнан мана шу муддат давомида иқтисодиётда инфляциян босимнинг кучайиши кузатилади. Бунда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарлар таклифи етарли эмаслиги шароитида (иш ҳақи ўсиши ва кредитлашнинг кенгайиши ҳисобига) ички талабнинг ошиши нархларнинг ўсишига сабаб бўлади. Шунингдек, маҳаллий товарлар миқдорининг ички бозорда етарли эмаслиги импорт товарларига бўлган ва бу орқали валюта бозоридаги талабни ошириб, миллий валюта курсининг қадрсизланишига ва пировардида инфляция кучайишига олиб келади. Ўз навбатида, инфляциянинг ўсиш суръатлари тезлашиши аҳоли ва бизнес вакиллари даромадларининг реал қийматини пасайтиради, даромадларнинг кўпроқ истеъмолга йўналтирилишига 10 сабаб бўлади, шунингдек, иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун олдиндан аниқлаш қийин бўлган вазиятларни юзага келтиради. Шунингдек, иқтисодиётда нархларнинг муттасил ошиб бориши шароитида омонатчилар ўз маблағларини паст фоиз ставкаларида банк депозитларига жойлаштиришни маъқул кўрмайдилар ва банклар депозит фоиз ставкаларини кўтаришга мажбур бўлади. Натижада банк мажбуриятлари қиймати активлари даромадлигига қараганда тезроқ суръатларда ўсади. Жалб қилинган депозитлар бўйича харажатлар ошишини қоплаш мақсадида банклар ҳам мос равишда бизнес хатарларни камайитириш учун кредитларни

юқори фоиз ставкаларда ҳамда қисқа муддатларга ажратишни афзал кўради. Бу эса иқтисодиётда инвестицияларни молиялаштириш имкониятларини чеклайди ва иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда узоқ муддатли ресурслар бозорининг ривожланмаганлиги сабабли инвестицияларни молиялаштириш имкониятларини янада чеклаб қўйиши мумкин. Паст ва барқарор инфляция эса фоиз ставкалари шаклланишида инфляция учун тўловларни камайтиради ҳамда кредиторлар томонидан узоқ муддатли кредитлар таклифини оширишга имкон яратади. Бунда нафақат тижорат банклари, балки маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳам узоқ муддатли молиявий ресурсларни паст инфляция даражасига эга бўлган иқтисодиётларга йўналтиришни афзал кўради. Умуман олганда, юқоридаги омилларнинг барчаси миллий иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш моделини яратишни, макроиқтисодий сиёсатнинг самарали мувофиқлаштирилишини, пул-кредит сиёсатини юритишда эҳтиёткорона ёндашувни тақозо этади.


Инфляцион таргетлашга ўтиш босқичида самарали ва истиқболга йўналтирилган пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси бир қатор тамойилларнинг амалиётга жорий этилиши билан бевосита боғлиқ. Пул-кредит сиёсатининг аниқ мақсадли йўналишларини белгилаб олиш 11 Пул-кредит сиёсатига бўлган ишончни ошириш ва уни самарали юритиш учун Марказий банк аниқ тасаввур ва мақсадга эга бўлиши керак. Яқин вақтгача Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш бўлган. Бироқ бу мақсад миллий валюта алмашув курсини ушлаб туришга ёки паст ва барқарор инфляция даражасини таъминлашга йўналтирилганлиги аниқ қайд этилмаган эди. Айтиш керакки, нархлар барқарорлигини таъминлаш Марказий банкнинг асосий мақсади этиб белгиланиши бу ноаниқликка барҳам беради. Бу, ўз навбатида, Марказий банкка тегишли ваколатларни бериш билан бир қаторда унинг зиммасига қўшимча масъулиятни ҳам юклайди. Инфляцион таргетлаш режимида ўтишга тайёргарлик босқичи доирасида келгуси йилларда пул-кредит инструментларини такомиллаштиришда мамлакатимизда инфляцион хатарларнинг хусусиятлари инobatга олинади ва уларни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Инфляция бўйича мақсадли кўрсаткич уй хўжаликлари томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг йиллик ўзгаришини ифодалайди. Истеъмол нархларининг ўсиш суръати Давлат статистика қўмитаси томонидан республикаимиз учун ҳисобланган истеъмол нархлари индекси (ИНИ) асосида аниқланади. Республикаимиз турли ҳудудларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ички омиллар сабабли турли товар ва хизматлар бозорида нархлар ўсиш суръатлари динамикасида бир оз тафовутлар кузатилиши мумкин. Инфляцион таргетлашга ўтиш босқичида пул-кредит сиёсатининг оралик мақсади – инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичи, операцион мақсади эса пул бозоридаги қисқа муддатли фоиз ставкалари ҳисобланади. Оралик мақсад пул-кредит сиёсатининг пировард ва операцион мақсадлари

ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди, шунингдек, у иқтисодиётдаги инфляциян кутилмаларга таъсир қилади.



Манба: Мазкур давлатлар марказий банки маълумотлари асосида.

Расмий маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодий ўсиш суръатлари Россияда 1,8 фоиздан 1,6 фоизгача, Хитойда 6,8 фоиздан 6,5 фоизгача, Қозоғистонда 4,3 фоиздан 4,2 фоизгача, Туркияда 10,6 фоиздан 5,2 фоизгача ҳамда Қирғизистонда 4,3 фоиздан 1,2 фоизгача пасайган. Шунингдек, мазкур даврда республикамизнинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланган давлатлар миллий валюталарининг сезиларли даражада қадрсизланиши ҳам ташқи иқтисодий шартшароитларнинг ноқулай шаклланишига ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, доллар индексининг ошиши ҳамда Россияга нисбатан янги санкцияларнинг киритилиши натижасида Россия рубли АҚШ долларига нисбатан 15 фоизга ҳамда ушбу давлат иқтисодиётига боғлиқлик даражаси юқори бўлган Қозоғистон тенгеси 9,2 фоизга қадрсизланди. Шунингдек, ушбу даврда АҚШ долларига нисбатан Хитой юани 6,5 фоизга ва Туркия лираси қарийб 60 фоизга қадрсизланди




Манба: Жаҳон банки маълумотлари асосида.

Бундан ташқари, жорий йилда жаҳон бозорларида Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулотлари қаторига кирувчи қимматбаҳо ва рангли металллар ҳамда хомашё товарлари бўйича нархлар конъюнктурасининг ноқулай шаклланиши ҳам республикамизнинг экспорт даромадларини пасайтирувчи омиллардан бири бўлди. Бунда жорий йилнинг I чораги давомида жаҳон бозорларида республикамизнинг асосий экспорт маҳсулотлари нархларининг ошиши кузатилган бўлса, кейинги даврларда нархлар асосан пасайиш тенденциясига эга бўлди (2.1.2-расм). Ушбу тренднинг барқарор давом этиши мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жаҳон бозорларида олтин нархининг 10 фоизга арзонлашиши кузатилган бўлиб, ушбу ҳолат асосан АҚШ Федерал резерв тизими томонидан фоиз ставкасининг 2017 йилнинг декабрь ҳамда 2018 йилнинг март, июль ва сентябрь ойларида кетма-кет тўрт марта оширилиши натижасида АҚШ долларларидаги активлар жозибадорлигининг ошиши 19 ҳамда олтинга инвестицион актив сифатидаги талабнинг пасайиши билан изоҳланади.

Мамлакатимизда 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида нисбатан юқори инфляцион босим кузатилди, бу асосан апрель-май ойларида ёқилғи-энергетика маҳсулотлари нархларининг оширилиши, ўтган йилга нисбатан об-ҳавонинг нисбатан қурғоқчил келиши ва ўтган йилларда инфляция базасининг пастлиги билан изоҳланади (2.2.3-расм). Бунда сўм алмашув курсининг мустаҳкамланиши, минтақадаги давлатлар билан савдо иқтисодий алоқалар жадаллашиши, шунингдек, импорт ҳисобига бозорларнинг ижтимоий аҳамиятга эга айрим маҳсулотлар билан тўйинганлиги инфляция суръати янада тезлашишининг олдини олишга маълум даражада хизмат қилди.

Ёз ойларида мева-сабзавот маҳсулотларининг сезиларли арзонлашиши ҳисобига кейинги ойлarda йиллик инфляция даражаси пасайиб борди. Агар

2017 йилнинг июнь-август ойларида мевасабзавотлар нархлари ошиши инфляцияни келтириб чиқарувчи асосий омил (драйвери) бўлиб, уларнинг умумий инфляциядаги ҳиссаси ўртача 5 фоиз бандни ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич 0,6 фоиз бандни ташкил этди.



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

2018 йил бошидан ноозиқ-овқат товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари ўсишидаги ҳиссаси тобора кўпайиб бораётган бир вақтда, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳиссаси, аксинча, камайди.



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

2018 йил 10 ойида банк тизимидаги ликвидликнинг ҳолати мазкур омиллар натижасида шаклланди (2.4.1-расм). Хусусан, Ҳукумат томонидан амалга оширилган 11,8 трлн. сўмлик операциялар, қимматбаҳо металллар ишлаб чиқарувчилари билан 12,4 трлн. сўмлик ҳисоб-китоблар ва Марказий банкнинг 358 млрд. сўмлик қайта молиялаш кредитлари ликвидликни оширувчи асосий омиллар бўлди. Шунингдек, Марказий банкнинг ички валюта бозоридаги интервенциялари 19,5 трлн. сўмга, мажбурий захиралаш

тартиби ўзгартирилиши 2,9 трлн. сўмга ва нақд пул эмиссияси банк тизимида ликвидлиликни 4,2 трлн. сўмга камайтирувчи омиллар бўлди.

2018 йилда иқтисодиётда бизнес ва инвестицион фаолликнинг ортиши натижасида иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ўсиши кузатилди. 57 Мазкур даврда миллий валютада ажратилаётган кредитлар ҳажмининг ошиш тенденциясини бир томондан давлат мақсадли дастурлари доирасида давлат маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар миқдорининг ошиши, иккинчи томондан тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилаётган юқори даромадлилик даражасига эга бўлган истеъмол кредитлари ҳажмларининг ўсиши билан изоҳлаш мумкин.



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Жорий йил февраль ойининг иккинчи ярмидан август ойига қадар миллий валюта – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадри узлуксиз ошиб бориши ҳамда Марказий банкнинг миллий валютадаги активлар даромадлилигини оширишга қаратилган фоиз сиёсати юритилиши натижасида хорижий валютада бериладиган кредитларга бўлган талаб ошди. Бу эса ушбу даврда хорижий валютада ажратилган кредитлар ҳажмининг ўзгаришида ўз аксини топди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур ойлар давомида номинал алмашув курси кредитлар умумий ҳажмини пасайтирувчи омиллардан бири бўлди.

Иқтисодиётга ажратилган жами кредитларнинг 55–60 фоизи марказлашган манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келиб, мазкур кредитлар бўйича фоиз ставкалари бозор ставкаларига нисбатан анча паст, имтиёзли шартларда ажратилган. Бу ҳолат кредит каналининг самарадорлигини сезиларли даражада пасайтирди.

2018 йилда ажратилган кредитларнинг таркиби бўйича ўсиш суръатлари таҳлили, кредитларнинг ўзгариши асосан юридик шахсларга тўғри келиб, жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ўсиш суръатларига нисбатан 2–2,5 бараварга кўпроқ ошган.





Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан олинган кредитларда ипотека кредитларининг салмоғи юқори бўлиб, уларнинг аксарият қисми Ҳукумат томонидан молиялаштирилган. 2018 йилда юридик шахслар учун ажратилган кредитларнинг юқори даражада ўсишини давлат корхоналарига берилган марказлашган кредитлар билан изохлаш мумкин.

2019–2021 йилларда пул-кредит сиёсатининг ички шароитлари ва самарадорлиги кўп жиҳатдан солиқ-бюджет сиёсатига боғлиқ бўлади. Келгусида солиқ-бюджет соҳасида амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларнинг асосий йўналишлари бюджет тизимини такомиллаштириш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни инфляция даражасига қараб индексация қилиш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, кичик ва йирик корхоналарнинг солиқ юқларидаги фарқни қисқартириш, қўшилган қиймат солиғидан кенгроқ фойдаланиш, солиқ турларини камайтириш, мажбурий тўловларни бирхиллаштириш ва айримларини бекор қилиш орқали иқтисодиётда солиқ юқини мақбуллаштириш каби вазифаларни қамраб олган. Молия вазирлигининг ҳисоб-китобларига кўра, таклиф этилаётган ислохотларнинг дастлабки босқичида қуйидаги натижалар кутилмоқда: - сотишдан тушган тушумдан мажбурий ажратмаларнинг тўлиқ бекор қилиниши натижасида корхоналар ихтиёрида қўшимча 5,2 трлн. сўм миқдоридagi даромадлар қолади; - жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўловларнинг пасайтирилиши ҳамда суғурта бадалининг бекор қилиниши ҳисобига аҳоли даромадлари 2019 йилда қўшимча равишда 6,5 фоизга ошади; - юридик шахслар мол-мулк солиғи, фойда солиғи ва кичик бизнес субъектлари ягона солиғининг камайтирилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 2 трлн. сўмлик қўшимча маблағлар қолади. 77 Шунингдек, солиқ концепциясида мазкур маблағларнинг бир қисмини солиқ маъмурчилиги такомиллаштирилиши ҳамда аҳоли ва тадбиркорлар солиқ юқи енгиллаштирилиши сабабли солиқ тўловчилар сони ва базасининг кенгайиши натижасида бюджетга тушумлар ортиши ҳисобига қоплаш назарда тутилган. Ушбу ўзгаришларнинг амалга оширилиши ўрта муддатли истиқболда (солиқ ислохотларининг дастлабки йилларида) бюджет

даромадлари ва харажатлари орасида номутаносибликлар вужудга келиши орқали иқтисодиётдаги пул оқимларининг ўзгариши ҳисобига ялпи ички талаб ва пул-кредит кўрсаткичларига таъсир этади. Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли даромадларининг кўшимча равишда ошиши, ўз навбатида, уларнинг истеъмолини рағбатлантириб, иқтисодиётда кўшимча талабни вужудга келтиради. Бу ўзгаришлар инфляция даражасига қисқа муддатли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича ўзгаришлар, яъни кичик корхоналарга нисбатан ҚҚС соддалаштирилган механизмнинг жорий этилиши дастлабки босқичда ушбу корхоналар учун солиқ юкининг ошишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархига таъсир этади. Товар ва хизматлар таннархининг оширилиши таклиф омиллари сифатида кейинчалик инфляция даражасига бир марталик таъсир кўрсатади. Айни вақтда ўрта муддатда солиқ ислохотлари доирасида ҚҚС тўловчилар базасининг кенгайтирилиши ишлаб чиқаришда кўшимча қийматни яратиш жараёнларида узунроқ занжирларни ҳосил қилиш имконини бериб, иқтисодиётда ижобий ўзгаришларга олиб келади. Юқорида келтирилган ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштириш ҳажмларининг кенгайиши шароитида келгуси икки йилда консолидациялашган бюджет харажатларининг даромадларига нисбатан юқорироқ бўлиши кутилмоқда. Хусусан, Молия вазирлиги томонидан 2019 йилда давлат бюджети дефицити ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 1,8 фоиз, 2020 йилда эса 0,7 фоиз бўлиши ҳамда 2021 йилга бориб давлат бюджетининг мувозанатли ижро этилиши ҳисобига ЯИМга нисбатан 0,1 фоизлик профицит бўлиши прогноз қилинмоқда. 78 Бюджет тақчиллигининг ҳажми ва уни молиялаштириш манбалари пул-кредит кўрсаткичларини шакллантирувчи асосий омиллардан бири бўлганлиги сабабли солиқ-бюджет сиёсатининг пул-кредит сиёсати билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ўрта муддатли истиқболда ички нархлар барқарорлигини таъминлашнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бюджет тақчиллигининг юзага келиши иқтисодиётда кўшимча ликвидликни юзага келтириб, банк тизимида ликвидликнинг таркибий профицитини шакллантириши мумкин. Шу нуқтаи назардан, Марказий банк томонидан кўриладиган чораларда юзага келган кўшимча ликвидликни тартибга солиш ва унинг таъсирини мувозанатлаштириш масалалари ҳам ўз аксини топади. Бюджет тақчиллигини қоплашда ноинфляцион манбалардан, жумладан, давлат қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш ёки халқаро капитал бозорларидан маблағлар жалб қилиш нисбатан кам инфляцион оқибатларга эга бўлса-да, марказлашган харажатларнинг оширилиши, ялпи талабнинг ўсиши орқали инфляцияга маълум бир босимни юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан, давлат бюджети харажатларининг ўсиши келгусида мамлакатда иқтисодий ўсиш салоҳиятини оширишга хизмат қилиши керак. Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни, жумладан, ички нархлар барқарорлигини таъминлаш вазифаси давлат қарзини самарали бошқариш ва бюджетнинг хомашё экспорти тушумларига боғлиқлигини пасайтиришни талаб этади. Келгуси йилдан бошлаб давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш



мақсадида "бюджет қоидалари" ва "йиғма бюджет" ҳамда фискал чекловларни белгилаш назарда тутилмоқда. Хусусан, 2019 йилдан бошлаб давлат қарзи ҳажмининг ЯИМга нисбатан чегаравий даражасини ва давлат бюджети дефицитининг чекланган миқдорини ЯИМнинг 2 фоизигача белгилаш бўйича бюджет қоидаларини амалиётга жорий этиш кўзда тутилаётганлиги 5 Бюджет қоидалари – алоҳида бюджет параметрлари учун миқдорий чегараларни ўрнатишни назарда тутди. Бунда давлат қарзи, давлат бюджети дефицити, харажатлар (ЯИМга нисбатан фоизда, ўсиш суръати) ва даромадларлар бўйича аниқ миқдорий чегаралар ўрнатилади. Миқдорий кўрсаткичларга қўшимча равишда бюджетни режалаштиришнинг тегишли амалиётини жорий қилиш, бюджет жараёнини олдиндан айтиш ва унинг шаффофлигини кучайтиришга йўналтирилган бюджет қоидалари орқали алоҳида процессуал меъёрлар ўрнатилиши мумкин. Бунда бюджет даромадлари ва харажатларининг ташқи омилларга боғлиқлик даражасини пасайтириш ва ҳ.к. 79 макроиқтисодий прогнозлаш ва ўзаро мувофиқликни таъминлашда ноақниқликларни камайтиради. Бунда давлат бюджетини шакллантиришда мавсумий ва даврий омилларни инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Асосий экспорт товарлари бўйича ижобий конъюнктура шаклланган даврда экспортдан келиб тушадиган қўшимча даромадлар бюджет харажатлари ўсишининг олдини олиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, бюджет сиёсатининг иқтисодий циклларга қарши йўналишини амалга ошириш, бюджетнинг ички ва ташқи шокларга нисбатан таъсирчанлигини пасайтириш ва узоқ муддатли истиқболда ҳам бюджет барқарорлигини сақлаб қолиш имконини беради. Умуман олганда, солиқ-бюджет сиёсатининг ислоҳ этилиши, пул-кредит сиёсати билан самарали мувофиқлаштирилиши ва "бюджет қоидаси"нинг амалиётга киритилиши Марказий банкка пулкредит сиёсатини амалга ошириш учун қулай бўлган шартшароитларни ҳосил қилади. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда "бюджет қоидалари"ни амалиётга киритиш маълум бир муддат талаб этади. Бу, ўз навбатида, йиғма бюджет ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотларнинг сифатига ҳам боғлиқ. Ўтган йилларда давлат бюджет харажатларининг оширилиши, аҳоли даромадларининг ўсиб бориши ва иқтисодиётда кредитлаш ҳажмларининг сезиларли даражада юқори бўлганлиги келгуси йилларда (асосан 2019 йилда) ишлаб чиқариш амалдаги ҳажми билан салоҳиятли ҳажми ўртасидаги тафовутни ошириб, иқтисодиётда ялпи талаб ҳажмининг таклиф ҳажмига нисбатан юқори бўлган шароитларни юзага келтирмоқда.

## V. БИТИРУВ ИШИ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизми самарадорлигини ошириш йўллари
2. Замонавий молия тизими ва унинг трансформаллашв жараёни
3. Инқирозинг навбатдаги тўлқини шароитида ривожланга мамлакалар молия тизимидаги ислоҳотлар
4. Европа молиявий иқтисодий инқирози ва унинг
5. Хўжалик юритувчи субъектларни давлат бюджети билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш йўллари
6. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида давлат молияси тизимидаги ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишлари
7. Замонавий шароитларда Ўзбекистон Республикаси молия сиёсатининг стратегик йўналишлари
8. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида давлатнинг пул-кредит сиёсати ва унинг устувор йўналишлари
9. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати ва унинг устувор йўналишлари
10. Замонавий молия тизимида уй хўжаликлари молияси
11. Ўзбекистон республикасида молия-кредит тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари
12. Худудий ижтмоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда маҳаллий бюджетлар аҳамиятин ошириш йўллари
13. Мамлакат молия тизимида уй хўжаликлари молиясининг аҳамияти ва уни ривожлантириш йўллари
14. Давлат акциядорлик компаниялари молиявий активлари ва уни самарали бошқариш йўллари
15. Иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш орқали давлат бюджети даромадлар базасини кенгайтириш йўллари
16. Фонд бозорларини ривожлантириш орқали давлат ва корпоратив харидлар тизимини такомиллаштириш истиқболлари
17. Обод турмуш тарзини шакллантиришда оила бюджетининг роли ва уни ривожлантириш истиқболлари
18. Давлат молиясини бошқаришда ҳисоб-китоб статистикасини ривожлантириш истиқболлари
19. Давлат молияси бухгалтерия ҳисобини жаҳон андозаларига мослаштириш истиқболлари
20. Давлат активларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари

## VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-кейс.

**Давлат бюджети даромадларини шакллантириш сиёсати ва уни макроиқтисодий барқарорликка таъсири бўйича**

### КЕЙС СТАДИ

#### Кириш

Замонавий шароитларда давлат бюджетининг даромадлари бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишларини ўзида ифодалайди. Чунки, давлат бюджети даромадлари солиқлар ҳисобига шакллантирилиб, мавжуд солиқлар миллий иқтисодиётни давлат томонидан молиявий тартибга солишнинг асосий инструментларидан биридир. Қуйидаги кейсда даромадларининг шаклланиши ва унинг таркибий таҳлили асосида давлат бюджетининг миллий иқтисодиётга таъсири баҳоланиб, тақлиф ва хулосалартизими шакллантирилади.

#### 1. Ташкилий таъминот

Маълумки, қуйидаги жадвалда давлат бюджетининг 2012-2015 йилги параметрлари келтирилган бўлиб, Ушбу кўрсаткичларда давлат бюджетининг солиқлар ҳисобига шакллантириладиган даромадларининг динамикаси келтирилган.

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил (млрд. сўм)	2013 йил (млрд. сўм)	2014 йил (млрд. сўм)	2015 йил (млрд. сўм)	Бюджет даромадларид а салмоғи, %да
Давлат бюджети даромадлари	20 614,1	25 104,9	30 160,8	36 184,9	100
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	5 196,4	6 583,1	7 790,4	8 554,3	25,2
Билвосита солиқлар	11 187,8	13 039,4	15 618,2	19 115,8	54,3
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	2 746,4	3 755,5	4 521,4	5 741,8	13,8
Қўшимча фойда солиғи	250,0	294,5	388,4	548,2	1,5
Бошқа даромадлар	1 233,5	1 432,4	1 842,4	2 224,8	5,2
Бюджет харажатлари	21 571,7	26 312,4	31 582,3	37 967,7	Бюджет дефицити ЯИМга нисбатан 1,0 фоиз

Манба: ЎЗР ДСҚ маълумотлари

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларининг таркибий таҳлилидан кўринадики, билвосита солиқлардан бюджетга режалаштирилган тушум 2012- йилда 11187,8 миллиард сўм бўлса, 2015- йилда 19115,8 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Бевосита солиқлар 2012 йилда 5196,4 млрд. сўмни, 2015 йилга келиб эса 8554,3 млрд. сўмни ташкил этади.

**Кейсинг таълимий мақсади:** Давлат бюджети параметрлари асосида бюджет солиқ сиёсатининг стратегик йўналишини ва уни макроиқтисодий барқарорликка таъсирини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш.

## 2. Муаммо.

2.1 Солиқ тизимини ислоҳ қилишда унинг фискал аҳамиятини инобатга олган ҳолда қандай таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш зарур?

2.2. Давлат бюджети даромадларининг таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш натижасида солиқ тизимининг макроиқтисодий барқарорликка таъсири қандай бўлиши мумкин.

2.3. Солиқларнинг ялпи истеъмол талабига таъсири қайси кўрсаткичларга боғлиқдир.

## 3. Вазифалар.

1. Билвосита, бевосита ва ресурс солиқлари ва тўловлари тизимини бюджет даромадларини шакллантиришдаги ҳиссасини таркибий таҳлил қилинг.

2. Билвосита, бевосита ва ресурс солиқлари ва тўловлари тизимини бюджет даромадларини шакллантиришдаги ҳиссасининг динамикасини таҳлил қилинг.

3. Ҳар бир туркум солиқларни миллий иқтисодиётга таъсири тўғрисидаги фикр мулоҳазаларни тизимлаштиринг.

## 4. Маслаҳатлар, тавсиялар

1. Бевосита солиқлар солиқ тўловчиларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тўғридан тўғри таъсир кўрсатса, билвосита солиқлар истеъмолга таъсир кўрсатади.

2. Билвосита солиқларнинг салмоғини ортиб бориши солиқ тўловчилар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини, истеъмолга таъсирини баҳоланг.

3. Мавжуд бюджет параметрлари воситасида солиқ юкини Лаффер эгри чизиғи воситасида асослаш лозим.

## 5. Вазиятни таҳлил қилиш варағи

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил натижалари
Кейсдаги берилган вазият билан танишиш	Берилган аниқ вазият таҳлили ва вазифани ечиш учун маълумотларни аниқлаш.	
Шу кундаги вазият	Давлат бюджети даромадларини шаклланиш	

<b>таҳлили</b>	<p>динамикаси ва таркибини ўрганиш ва таҳлил қилиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-мақсадлари;</li> <li>-кучли ва кучсиз томонлари;</li> <li>- мақсадли истеъмолчилар;</li> <li>- ривожланиши;</li> <li>- изланиш натижалари.</li> </ul> <p>Ушбу кўрсаткичлар бўйича ҳақиқий ҳолат кўриб чиқилади ва вазиятли таҳлил ўтказилади.</p> <p>Шу кундаги вазият таҳлилига нисбатан тахминлар илгари сурилади.</p>	
<b>Муаммони ифодалаш</b>	<p>Асосий муаммони ажратиш ва унинг таркибларини (белгилари; исботлари) аниқлаш.</p>	
<b>Муаммо ечимининг альтернативларини танлаш</b>	<p>Вазиятли топшириқда имкониятли альтернатив ечимларни ифодалаш.</p> <p>Бюджет даромадларини шаклланиши асосида солиқ тизимини макроиқтисодий барқарорликка таъсирини баҳолаш ва асослаш (индивидуал):</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- устунлиги ва кутилаётган натижалар;</li> <li>-камчиликлар ва ҳаражатлар.</li> </ul>	
<b>Унинг ечими ва амалга оширилиши</b>	<p>Аниқ хулосани батафсил ишлаб чиқиш ва танловнинг мақсадга мувофиқлигини тушунтириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Нима?</li> <li>- Қачон?</li> <li>- Қаерда?</li> <li>- Нима учун?</li> <li>- Қандай?</li> </ul>	

## 2-кейс.

### Маҳаллий бюджетлар даромадларини прогнозлаштириш усулининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича КЕЙС СТАДИ

#### Кириш

Замонавий шароитларда давлат бюджетининг даромадларини прогнозлаштириш давлат молиясини бошқаришнинг бош функционал элементи сифатида соҳадаги ислохотлар самарадорлигини бош омили ҳисобланади. Чунки, давлат бюджети даромадларини тўғри ва иқтисодий асосланган ҳолда прогнозлаштириш, даромадларни бюджет ижроси жараёнидаги тушумлари самарадорлигига таъсир этиб, харажатларни молиявий таъминлашнинг барқарорлигини асоси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ушбу Кейсда қуйи бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришнинг амалдаги ҳолатини самарадорлиги таълил қилинади, таклиф ва хулосалар тизими шакллантирилади.

#### 1. Ташкилий таъминот

Маҳаллий бюджетнинг даромадларини 4 чоракда экстраполяция усулида прогнозлаштириш учун қуйидаги маълумотлар берилган:

4- чоракдаги тушумлар					4- чоракдаги тушумларнинг ўтган йил 4- чоракдаги тушумларга нисбатан ўсиши					млн. сўмда 2017 йил 4 –чорак учун прогноз
2011 йилда	2012 йилда	2013 йилда	2014 йилда	2015 йилда	2012 йилда	2013 йилда	2014 йилда	2015 йилда	Ўртача ўсиш	
2659,3	3657,0	4064,9	4926,7	5772,0						

**Кейснинг таълимий мақсади:** Қуйи бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришнинг самарадорлигини баҳолаш ва таклифлар тизимини ишлаб чиқиш.

#### 2. Муаммо.

2.1 Қуйи бюджетлар даромадларини прогнозлашнинг қандай усуллари мавжуд ва уларнинг афзаллик ҳамда камчиликлари нималардан иборат?

2.2. Қуйи бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришнинг экстраполяция усулининг асосида келгуси йил учун прогноз контингентини аниқлаш.

2.3. Ҳозирги кундаги солиқларни прогнозлаштириш тизимидаги асосий муаммолар.

#### 3. Вазифалар.

3.1. 4- чоракдаги тушумларнинг ўтган йил 4- чоракдаги тушумларга нисбатан ўсишини ҳисобланг.

3.2. 2009,2010,2011,2012 йиллардаги маҳаллий бюджет даромадларини ўртача ўсиш суръатларини ҳисобланг

3.3. Маҳаллий бюджетнинг 2013 йил 4 чорак учун даромадларини прогноз кўрсаткични аниқланг

#### 4. Маслаҳатлар, тавсиялар

4.1. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлиб, уларга шарҳлар берилади.

4.2. Даромадларни прогнозлаштиришнинг экстраполяция усулида 2017 йил учун 4-чорак прогнози аниқланади ва унда ҳисобга олинadиган омиллар бўйича фикр мулоҳазалар шакллантирилади.

#### 5. Вазиятни таҳлил қилиш варағи

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил натижалари
<b>Кейсдаги берилган вазият билан танишиш</b>	Берилган аниқ вазият таҳлили ва вазифани ечиш учун маълумотларни аниқлаш.	
<b>Шу кундаги вазият таҳлили</b>	Қуйи бюджетлар даромадлари прогнозини ҳисоб-китоб қилиш ва таҳлил қилиш. - мақсадлари; - кучли ва кучсиз томонлари; - мақсадли истеъмолчилар; - ривожланиши; - изланиш натижалари. Ушбу кўрсаткичлар бўйича ҳақиқий ҳолат кўриб чиқилади ва вазиятли таҳлил ўтказилади. Шу кундаги вазият таҳлиliga нисбатан тахминлар илгари сурилади.	
<b>Муаммони ифодалаш</b>	Асосий муаммони ажратиш ва унинг таркибини (белгилари; исботлари) аниқлаш.	
<b>Муаммо ечимининг альтернативларини танлаш</b>	Вазиятли топшириқда имкониятли альтернатив ечимларни ифодалаш. Қуйи бюджетлар даромадларини прогнозлаштириш услубиетини сифат тавсифини баҳолаш ва асослаш (индивидуал): - устунлиги ва кутилаётган натижалар; - камчиликлар ва ҳаражатлар.	
<b>Унинг ечими ва амалга оширилиши</b>	Аниқ хулосани батафсил ишлаб чиқиш ва танловнинг мақсадга мувофиқлигини тушунтириш: - Нима? - Қачон? - Қаерда? - Нима учун? - Қандай?	

### 3-кейс.

## Давлат бюджети харажатлари орқали миллий иқтисодиётни мувозанатли ривожланишини таъминлаш

### КЕЙС СТАДИ

#### Кириш

Давлат бюджети харажатлари том маънода давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг молиявий мазмунини акс эттиради. Тадкидаланадики, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа харажатларини ўсиб бориши ижтимоий ислохотларни амалга оширишдаги давлатнинг ролини молиявий ифодалайди. Лекин ушбу харажатлар орқали нафақат ижтимоий сиёсат реализация қилинади, балки иқтисодиёт ҳам кўллаб-қувватланади. Шундай экан давлат бюджети харажатларини 5 йиллик динамикаси асосида унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилиш, унинг иқтисодиёт учун самарасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу нуқтаи назардан ушбу Кейсда давлат бюджети харажатлари қуйи бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришнинг амалдаги ҳолатини самарадорлиги таълил қилинади, таклиф ва хулосалар тизими шакллантирилади.

#### 1. Ташкилий таъминот

Давлат бюджетининг 5 йиллик харажатлари динамикаси қуйидаги жадвалда келтирилган.

#### Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил	
	Млрд.сўм	%	Млрд.сўм	%	Млрд.сўм	%	Млрд.сўм	%	Млрд.сўм	%
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	16802	100	21190	100	26312	100	31582	100	37967,7	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш харажатлари	9723	58,2	12338	58,3	15573	59,2	18873	59,7	22457,0	59,1
Иқтисодиёт харажатлари	1938	11,5	2338	11	2791	10,6	3385	10,7	4119,7	10,1
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1037	6,1	1174	5,5	1300	4,9	1500	4,7	1800	4,7
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	627	3,7	844	3,9	825	3,1	1000	3,1	1199,9	3,1
Бошқа харажатлар	3477	20,6	4495	21,2	5813	22,0	6903	21,8	8391,1	22,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

**Кейснинг таълимий мақсади:** Давлат бюджети даромад ва харажатларини таҳлил қилиш, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш харажатларини миллий иқтисодиётга таъсирини баҳолаш.



## 2. Муаммо.

2.1 Давлат бюджети харажатлари таркиби ва динамикаси таҳлили асосида унинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини баҳолаш?

2.2. Ижтимоий соҳага қилинган харажатларнинг салмоғини ошириш орқали давлат қандай стратегик масалаларни ҳал қилади?

## 3. Вазифалар.

3.1. Давлат бюджети харажатларини таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш.

3.2. Ижтимоий соҳа харажатларини мамлакат миллий иқтисодиётига қандай таъсири мавжуд.

## 4. Маслаҳатлар, тавсиялар

4.1. Харажатларни таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш орқали унджаги 5 йиллик тенденциялар баҳоланади.

4.2. Харажатлар ялпи истеъмол талабга таъсир этади. Шунинг учун харажатларнинг мультипликатив самараси ҳисобланади.

## 5. Вазиятни таҳлил қилиш варағи

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил натижалари
Кейсдаги берилган вазият билан танишиш	Берилган аниқ вазият таҳлили ва вазифани ечиш учун маълумотларни аниқлаш.	
Шу кундаги вазият таҳлили	Давлат бюджети харажатлари таркиби ва динамикаси. - мақсадлари; - кучли ва кучсиз томонлари; - мақсадли истеъмолчилар; - ривожланиши; - изланиш натижалари. Ушбу кўрсаткичлар бўйича ҳақиқий ҳолат кўриб чиқилади ва вазиятли таҳлил ўтказилади. Шу кундаги вазият таҳлилига нисбатан тахминлар илгари сурилади.	
Муаммони ифодалаш	Асосий муаммони ажратиш ва унинг таркибини (белгилари; исботлари) аниқлаш.	
Муаммо ечимининг альтернативларини танлаш	Вазиятли топшириқда имкониятли альтернатив ечимларни ифодалаш. Давлат бюджети харажатлари таркиби ва динамикасини баҳолаш ва асослаш (индивидуал): - устунлиги ва кутилаётган натижалар; - камчиликлар ва харажатлар.	
Унинг ечими ва амалга оширилиши	Аниқ хулосани батафсил ишлаб чиқиш ва танловнинг мақсадга мувофиқлигини тушунтириш: - Нима? - Қачон? - Қаерда? - Нима учун? - Қандай?	

## VII. ГЛОССАРИЙ

**Айланма касса маблағи меъёри** - молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори

**Амортизация** эскиришнинг баҳоланган хизмат муддати давомида активнинг амортизация қилинадиган қийматини мунтазам тақсимлаш ва қайта ўтказиш тарзида қиймат билан ифодаланишидир.

**Асосий воситалар** - узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан кўпроқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

**Бюджет дотацияси** - ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет профицити** - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси

**Бюджет профицити** - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси

**Бюджет судаси** - юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юримдик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.

**Бюджет субвенцияси** - қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет тақчиллиги** - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

**Бюджет тақчиллиги** - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси

**Бюджетдан ташқари фондлар** – умумдавлат молиясининг муҳим буғини бўлиб, уларнинг фаолияти қатъий белгиланган, манбаларни ташкил этиш йўллари кўрсатилган, пул фондлари билан фойдаланиш йўлларининг тартиби аниқлаб берилган, давлат ҳукуматининг юқори органларини тегишли актлари асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган.

**Бюджетлараро муносабатлар** – Ўзбекистон республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети, шунингдек туманларнинг маҳаллий бюджетларини ўртасида бюджет жараёнида содир бўладиган муносабатлар мажмуидир.

**Давлат мақсадли жамғармалари** - Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади

**Даромадлар**- бу ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активлар оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларни қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ қилувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

**Инвестицион солиқ кредити** – инвесторга солиқ мажбурияти бўйича солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти.

**Корхона ва ташкилотлар молияси**- хўжалик юритувчи субъект ва давлат пул ресурслари фондини ташкил қилиш ва улардан такрор ишлаб чиқариш, рағбатлантириш ва жамиятнинг итимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадларида фойдаланишдаги пул муносабатларини йигиндисидир.

**Корхоналарга преференция бериш** – миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга

чет элдан олиб кирадиган хом-ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича энгилликлар(имтиёзлар) берилиши.

**Қўшилган қиймат солиғини қайтариш** – солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи суммаси доирасидаги пул маблағларини хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги ҳисобварағига ўтказиш йўли билан солиқ суммасини қайтариш муддатини узайтириш.

**Маҳаллий бюджет** - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Молия** – давлатнинг ўз функция ва вазифаларини бажариши ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларининг шакллантирилиши, тақсимланилиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

**Молиявий ресурслар** - бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қўлидаги вақтинча бўш пул маблағлари йиғиндисидир

**Молиявий назорат**- молияни бошқариш тизимининг элементи сифатида маълум соҳалар бўйича назорат қилиш вазифаси юклатилган, давлат ва бошқа мустақил жамоат ташкилотлари томонидан барча иқтисодий субъектларнинг молиявий фаолияти устидан молиявий- хўжалик қонунчилигига риоя қилишлари, амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги, молиявий- хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини текшириш ва кузатиш бўйича қиймат назоратининг алоҳида туридир.

**Молия сиёсати** – бу молиявий ресурсларни жамлаш, уларни давлатнинг ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун тақсимлаш ва ишлатиш шакл ҳамда усулларида тизимли намоён бўлувчи тадбирлар йиғиндисидир.

**Молия тизими** - молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини уз ичига олиб, хар қайси соҳалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланади.

**Молиявий захиралар** - давлат ва хўжалик субъектлари қўлидаги пул ресурсларининг бир қисми бўлиб, ўз эгасининг айланма маблағлари оборотида вақтинчалик катнашмайдиган пул ресурсларидир.

**Нолли ставка.** Чет эл мамлакатлари амалиётидан фойдаланиб, бизда ҳам ҚҚС экспортга товар ортганда ва четдан товарлар келтиришда (қурилиш материалларига) нолли ставкани 1998 йилдан қўлланилмоқда. ҚҚС бўйича нолли ставка экспортга товарлар (ишлар, хизматлар) кўрсатилганда, қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сотилганда ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга товарлар ортилганда қўлланилади. қизиғи шундаки, илгари ҳам шу маҳсулотларга ҚҚС солинмас эди. Бироқ, шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кетган хом-ашё, ёқилғи, электр қуввати учун маҳсулот етказувчиларга тўланган ҚҚС ҳисобга олинмас эди. Нолли ставкада эса маҳсулот етказувчиларга тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинмайди. Нолли ставка маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш учун жуда яхши, чунки ўз маҳсулотига ҚҚС ҳисобламайди, олган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинади. Шу ерда ўз маҳсулотларини тамомила экспортга чиқарадиган корхоналар бўйича катта муаммо пайдо бўлди. Корхона ўзи ҚҚС тўламаганлиги сабабли бу солиқдан катта манфий фарқ пайдо бўлиб, уни корхонага қайтаришнинг мураккаб тартиби ўрнатилди. Бу ставка ҚҚСни ҳақиқатдан ҳам бетарафлигини кўрсатади, иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодий ривожланиш мақсадида бошқа солиқлардан ҳам нолли ставкалар қўллаш амалиётини кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

**Номоддий активлар** - моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятида фойдаланиш ёки бошқариш учун фойдаланиш

мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектлари.

**Прогрессив солиқ** – ставкасида эса даромад, объект кўпайиб бориши билан солиқ ставкаси ҳам ёнма-ён ўсиб боради. Бу бизнинг солиқ қонунчилигимизда фақат фуқароларнинг даромад солиғида қўлланилади. 2010 йилда минимал иш хақи 6 баробарига тенг қисмига 11 фоиз, 6 баробаридан 10 баробарлик қисмига 17 фоиз ва 10 баробаридан ошган қисмига 22 фоиз солиқ ставкаси белгиланган. Бу ставка хазинавий нуктаи назардан салмоқлидир. Аммо иқтисодий ривожланиш нуктаи назардан унчалик яхши эмас. Бу ставка ишчиларни кўпроқ ишлаб кўпроқ даромад олишга, меҳнат унумдорлигини оширишга яхши қизиқтирмайди. Бу ставканинг йилдан йилга камая бориши, бу камчиликни бартараф этишга қаратилган. Ҳозирги кунда бундай ставкани қўллашдан мақсад пул инфляциясини жиловлаш, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва бюджетга салмоқли даромад тушишини кўзда тулади.

**Пропорционал**– солиқ ставкасида объект қандай бўлишидан қатъий назар, бир хил улушдаги (пропорцияда) солиқ тўланади. Масалан, ҚҚС бўйича маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) оборотига 20 фоизли ставка белгиланган бўлса, оборот 10 минг сўм бўлса ҳам, 100 минг сўм бўлса ҳам ҳаттоки миллион сўм бўлса ҳам ставка 20 фоиз тура беради, яъни улуш ўзгармайди. Бу ставкани адолатли деса бўлади.

**Регрессив** - солиқ ставкасида даромад ёки объект ошиб бориши билан солиқ ставкаси камайиб бориб, маҳсулот ишлаб чиқариш рағбатлантирилади. Масалан, юридик шахсларнинг фойда солиғида, мол-мулк солиғида экспортга товар ишлаб чиқариб, ЭАВда сотган юридик шахслар умумий ишлаб чиқарган муҳсулотларга нисбатан экспорт хиссасига қараб камайтирилган солиқ тўлайдилар (30 ва 50 фоизга). Бу 2002 йилдан киритилган солиқ сиёсати бўлиб иқтисодий ривожланишга катта наф келтиради.

**Республика бюджети** - Давлат бюджетининг умумдават тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Режалаштириш** - ҳар қандай субъект режалаштириш жараёнида ўзининг молиявий ҳолатини баҳолайди ва молиявий ресурсларни кўпайтириш имкониятларини аниқлайди. Режалаштириш жараёнидаги бошқарув қарорлари молиявий ахборотлар таҳлили асосида қабул қилинади.

**Солиқ имтиёзи** – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

**Солиқ кредити** – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга камайтириш, кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

**Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш** – солиқ суммасини бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир.

**Солиқ манбаи** – бу субъектнинг даромадидир. Баъзи солиқларда даромад ва фойда ҳам солиқ объекти, ҳам солиқ манбаи бўлади. Лекин бошқа солиқларда объектлар ҳар хил, манба эса – даромад бўлади. Солиқларнинг шундай қонуни борки, улар ҳеч қачон манба миқдоридан (объектдан) ортиб келмаслиги лозим. Акс ҳолда манба йўқолади. Тарихда бунга мисоллар бор. Мустабид советлар даврида (1962й) ҳайвонларга пул солиғи чиққан эди. Бу солиқ объектдан катта бўлганлигидан моллар боши кескин камайиб кетди, чорвачилик ҳароб бўлди. Ҳар қандай тўғри солиқ оқибат натижада даромаддан олинади.

**Солиқ объекти** – солиқ солинадиган даромад, харажат, оборот ёки мулклар қийматидир. Унинг фойда, иш хақи, қўшилган қиймат, ер, иморат, жами харажат каби турлари мавжуд. Масалан, ҚҚСда объект ортилган маҳсулот (бажарилган иш ва хизматлар) оборотидир, даромад солиғида – даромад (фойда), мол-мулк солиғида-мулк қиймати, ер солиғида ер майдони ва бошқалардир.

**Солиқ оғирлиги** – солиқ тўловчининг ҳамма солиқлар ва тўловларни давлат фондларига тўлашдир. Мамлакат миқёсида солиқ оғирлиги ҳамма тўланган солиқ ва тўловларнинг ЯИМдаги салмоғи сифатида ифодаланади. Аммо солиқ оғирлиги аниқ солиқ тўловчининг олган даромадига нисбатан жами тўлаган солиқлари ва тўловлари салмоғидир. Бу масалада ҳам анчагина бахслар мавжуд. Агар солиқ тўловчи солиқларни тўғри тўлаган бўлса, унга солиқ оғирлиги мос келади. Лекин, эгри солиқларда ҳукукий тўловчилари корхоналар ҳисоблансада, охир оқибатда солиқ оғирлиги истеъмолчи аҳоли зиммасига тушади. Бу ерда эгри солиқлар ҳисобига аҳолининг реал даромади камаяди. Иқтисодчилар солиқ оғирлигини макро ва микро даражада, соҳалар бўйича аниқлаш лозимлигини кўрсатиб ўтадилар. Бу муаммони ечиш солиқларнинг энг қийин ва энг зарур масаласини ҳал қилиш демақдир.

**Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби** – кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш мақсадида қўлланиладиган солиққа тортиш тартиби.

**Солиқ ставкаларининг турлари.** Ўзбекистон солиқ қонунчилигида солиқ ставкаларнинг асосан уч тури амал қилади.: пропорционал, прогрессив ва нолли ставкалар. 2002 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг фойда солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича асосий ставкага қўшимча регрессив ставка (имтиёз тариқасида) қўлланила бошланди.

**Солиқ ставкаси** – объектнинг ҳар бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир, яъни давлатнинг солиқ объектидаги улуши, ҳиссасидир. Солиқ ставкаси икки усулда белгиланади: қатъий ставкаларда (сўмларда) ва нисбий ставкаларда – фоизларда ифодаланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда бюджет инфляциядан кўп маблағ йўқотмайди. Агар ставка сумларда ҳисобга олинса, солиқлардан тушган бюджет даромади йил охирига бориб, ҳеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмайди.

**Солиқ ставкаси** – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

**Солиқ субъекти** – солиқ муносабатларида қатнашувчи солиқ тўловчилардир. Улар юридик ва жисмоний шахсларга бўлинади. Солиқ муносабатларида солиқ тўловчилардан ташқари солиқ ундирувчи давлат ҳам қатнашади. Солиқни давлат ундиради. Унинг номидан махсус ташкилот – солиқ хизмати идоралари қатнашади. Солиқларни тўғри ҳисоблаш, тўлиқ тўлаш жавобгарлиги солиқ тўловчи субъектга юклатилган. Субъект объектсиз бўлмайди ва аксинча.

**Солиқ юки** – солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндисини ифодалайди.

**Солиққа тортиш бирлиги** – бу ерда объектнинг ўлчов бирлиги. Бу даромад солиғида сўм, ер солиғида кв. метр, сув солиғида куб. метр ва бошқалар.

**Солиқларни унификация қилиш** – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

**Суғурта** – бу унинг қатнашчилари ўртасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган мақсадли суғурта фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қайта тақсимлаш муносабатлари мажмуасидан иборат.

**Суғурталовчи-** суғуртани амалга оширувчи ихтисослаштирилган ташкилот. Табиий офат ёки бошқа кўзда тутилмаган сабаблар натижасида кўрилган зарарларни суғурта қонунчилиги ёки суғурта шартномаси асосидаги шартларни кўзда тутиб қоплашни ўз зиммасига олувчи ташкилотлар. Бугунги кунда мамлакатимизда 20 та атрофида турли мулкчилик шаклларидаги суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатмоқдалар.

**Суғурталанувчи.** Ўзига тегишли мол-мулкни суғурта қилдирган корхона, хўжалик ташкилоти ёки ўз ҳаётини суғурталовчи фуқаролар суғурталанувчи ҳисобланадилар. Мажбурий суғурта бқйича суғурта ташкилоти рқйхатидан ўтганлар ёки ихтиёрий суғурта бқйича шартнома тузиб, суғурта бадалини тқлаганлар суғурталанувчилар қаторига киради.

**Суғуртанинг объекти ва предметлари.** Мулк суғуртасида объект сифатида моддий бойликлар мол-мулк кўзда тутилса, шахсий суғуртада фуқароларни ҳаёти соғлиги ва меҳнат қобилияти кўзда тугилади. Суғурта предмети - ана шу объектларни таркибий қисмларидир, масалан, қишлоқ хўжалиги суғурта объекти бўлса, экинлар ҳосили, чорва молларининг сони, мол-мулк хиллари, биналар, иншоотлар, транспорт воситалари суғурта предмети ҳисобланади. Уй-жойда сақланувчи мол-мулклар объект бўлса, уй-рўзғор буюмлари, мебеллар, гиламлар, телевизорлар бу суғуртанинг предмети ҳисобланади. Шахсий суғурта предметига маълум ёшга етиш, меҳнат қобилиятини йўқотиш ва вафот этиш ҳодисалари мисол бўла олади.

**Суғурта ҳимояси.** Суғурта ҳимояси фавқулотда, кўзда тўтилмаган офатлардан ҳимоя қилишни муҳим шартларидан ҳисобланади. +адим замонлардан шаҳарлар ташкил этилганда ҳужумлардан ҳимоя қилиш учун деворлар қурилган ва суғурта ҳимояси ҳам бўлган. Бу моддий жиҳатдан суғурта фондидир. Суғурта ҳимояси фақат фонд эмас, балки етказилган зарарларни қоплаш билан боғланган тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларини ўзида мужассамлаштиради. Бу муносабатлар Республика, шаҳар, туман миқёсидаги объектларга етказилиши мумкин бўлган зарарлардан ҳимоялашни кўзда туттади.

**Суғурта манфаатдорлиги.** Суғурта масалалари билан шуғулланиш унга нисбатан манфаатдорликдан бошланади. Ишлаб чиқаришни хавф-хатардан ҳоли эмаслиги сабабли суғурталаш масалаларига қизиқиш бошланади, чунки суғурта объекти зарарланганидан суғурталанувчига зарар суммаси берилади. Бу сумма суғурта қопламаси деб аталади. Суғурталанувчи зарар кўрганда уни қоплаш учун суғурталанувчидан суғурта суммасини олишдан манфаатдор бўлади.

**Қайта суғурта қилиш.** Суғурталовчи шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бутунлай ёки қисман бошқа суғурталовчи (қайта суғурталовчи)га ўтказиши ёки қайта суғурта қилиш.

**Суғурта гувоҳномаси (полиси).** Суғурта муносабатлари ташкил этилганлигига гувоҳлик берувчи ҳужжат. Ихтиёрий суғуртада бундай ҳужжат биринчи бадал тўлангандан кейин берилади. Суғурта гувоҳномаси (полиси)да хўжаликларнинг номлари, суғурталанган шахснинг номи, фамилияси, суғурта суммаси ёки қопламаси, суғурта тарифи, суғурта бадали ва бошқа маълумотлар кўзда тугилади.

**Узоқ муддатли кредитор қарздорлик** -банклар ёки молия институтлари берган муддатли ссудалар, шунингдек сўндирилиш муддати бир йилдан ортадиган бошқа қарздорлик мажбуриятларини ўз ичига олади.

**Фойда**- сотилган маҳсулонинг қиймати билан унга сарфланган таннарх харажатлари айирмаси ҳисобланиб қўшимча қийматнинг пул шаклидаги ифодасини ўзида намоён қилади.

**Харажатлар**- ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активларнинг чиқиб кетишиёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

**Уй хўжаликлари** деганда қариндошлик муносабатлари билан боғланган ва оилавий истеъмол учун биргаликда хўжалик юритадиган шахслар гуруҳи тушунилади.

**Уй хўжаликлари даромадлари** — бу оила аъзолари томонидан маълум давр ичида олинган ёки ишлаб чиқарилган пул ва натурал шаклидаги даромадлар йиғиндисидир.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.-32 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 192 модда
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136 сонли Қонуни билан қабул қилинган (2018 йил 1 январгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 7 феврал.
5. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури // <https://regulation.gov.uz/ru/document/1678>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарори. Тошкент ш., 2018 йил 26 декабрь
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 28 декабр, 2018 йил.// <https://kun.uz/99444746>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони. Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 июнь
9. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: “Ўzbekiston”, 2017. – 488 b
10. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini taъminlash – yurt taraqqiyoti va halq farovonligining garovi. – Toshkent: “Ўzbekiston”, 2017. – 48 b.
11. Malikov T.S. Moliya.- O’zR Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirligi. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. – 268 b.
12. Курбанов Х.А.Корпоративные финансы.-Ташкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007 г.
13. David N. H. Public finance. A contemporary Application of theory to policy. 10 edition. South-Western Cengage Learning, 5191, Natorp Boulevard Mason, OH 45040 USA